

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БАҲАДИРХАНОВ МУХАМЕДЗАРИФ МУХАМЕД КАБИРОВИЧ

**ЛАПАРОСКОПИК ПИЕЛОЛИТОТОМИЯ, ПИЕЛОПЛАСТИКА ВА
УРЕТЕРОЦИСТОНЕОАНАСТОМОЗДА БУЙРАК ВА ҚОВУҚНИ
ДРЕНАЖЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Бахадирханов Мухамедзариф Мухамед Кабирович Лапароскопик пиелолитотомия, пиелопластика ва уретероцисто- неоанастомозда буйрак ва қовуқни дренажлаш усулларини такомиллаштириш.....	3
Бахадирханов Мухамедзариф Мухамед Кабирович Усовершенствование методов дренирования почки и мочевого пузыря при лапароскопической пиелолитотомии, пиелопластике и уретерцистонеоанастомозе.....	33
Bakhadirkhanov Mukhamedzarif Mukhamed Kabirovich Improving methods of drainage of the kidney and bladder during laparoscopic pyelolithotomy, pyeloplasty and uretercystoneoanastomosis	63
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	70

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БАҲАДИРХАНОВ МУХАМЕДЗАРИФ МУХАМЕД КАБИРОВИЧ

**ЛАПАРОСКОПИК ПИЕЛОЛИТОТОМИЯ, ПИЕЛОПЛАСТИКА ВА
УРЕТЕРОЦИСТОНЕОАНАСТОМОЗДА БУЙРАК ВА ҚОВУҚНИ
ДРЕНАЖЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.31 – Урология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/Tib772 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва "Ziyonet" (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухтаров Шухрат Турсунович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Меринов Дмитрий Станиславович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Гайбуллаев Асилбек Асадович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юлдашев Файзулло Юлдашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
«И.М.Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат
университети» Олий таълимнинг федерал давлат
автоном таълим муассасасининг Урология ва
инсон репродуктив саломатлиги институти**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (181-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар бериш илмий кенгаши
қошидаги илмий семинари раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тиббиёт турли жарроҳлик аралашувларининг инвазивлигини ва травматиклигини камайтириш йўналишида ривожланмоқда. Ҳозирги кунда урологияда очик жарроҳлик амалиётларини чиқариб ташлаб, лапароскопик операциялар ўзига хос жой олган. Ушбу жарроҳлик амалиётлари учун кам травматиклик ва қисқа муддатли тузалиш даври хос.¹ Бир неча ўн йиллардан бери буйракнинг жом-сийдик найи сегменти стриктурасини (ЖСНС) даволашда Anderson-Hynes бўйича реконструктив операция қўлланилган, лекин 1993 йил Schuessler ва ҳаммуаллифлар томонидан пиелоластикага лапароскопик ёндашувнинг тадқиқот натижалари эълон қилинганидан сўнг урологияда каминвазив жарроҳлик даври бошланди.² Ушбу усул бутун дунёда очик пиелоластика ва эндопиелотомияни ўрнини босувчи минимал инвазив, жом-сийдик найи стриктураларини тузатиш учун “олтин стандарт” усул сифатида қабул қилинди.³ Охирги йиллардаги инновациялар мавжуд усулларни ва технологияларни такомиллаштиришга асосланади. Шу мақсадда ягона портли жарроҳлик, лапароскопия учун уч ўлчамли визуализация ва роботик технологиялар тадбиқ қилинди. Лапароскопик пиелоластиканинг жорий қилиниши билан JJ-стент ўрнатиш жарроҳлик амалиётининг асосий босқичи бўлди, чунки бу лапароскопик анастомоз ўрнатишни енгиллаштиради, сийдик найининг калибрини сақлаш ва анастомозни текишлаш имкониятини беради. Бундан ташқари стент уриноманинг ҳосил бўлиш хавфини пасайтириш орқали периуретерал фиброз ва рестенозни камайтиради ва анастомоз соҳасида жарроҳлик амалиётидан кейинги шишни йўқотади. Аммо сийдик найи стенти бир қанча камчиликларга эга. Кам калибрлиги сабабли онсонгина окклюзияланади, ўз жойидан сурилади ва кучли дизурик сезгилар чақиради. Шу сабабли лапароскопик жарроҳлик амалиётларида буйракнинг косача-жом тизимини дренажлашнинг мақбул усули муаммоси ҳали хануз ўз ечимини топгани йўқ, бу лапароскопик жарроҳлик амалиётларида сийдик йўллари дренажлашга бағишланган ушбу ишни ўз вақтида ва долзарб деб ҳисоблаш имконини беради.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда тиббий амалиётга индивидуал, беморга йўналтирилган ёндашувни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, урологияда лапароскопик ва роботлаштирилган аралашувларни таққослайдиган кўп марказли рандомизацияланган тадқиқотлар энг долзарб

¹ Cundy TP, Harling L, Hughes-Hallett A, Mayer EK, Najmaldin AS, Athanasiou T, et al. Meta-analysis of robot-assisted vs conventional laparoscopic and open pyeloplasty in children. *BJU Int.* 2014;114(4):582-94. / Wong YS, Pang KKY, Tam YH. Comparing Robot-Assisted Laparoscopic Pyeloplasty vs. Laparoscopic Pyeloplasty in Infants Aged 12 Months or Less. *Front Pediatr.* 2021;9:647139. / Ghidini F, Bortot G, Gnech M, Contini G, Escolino M, Esposito C, et al. Comparison of Cosmetic Results in Children >10 Years Old Undergoing Open, Laparoscopic or Robotic-Assisted Pyeloplasty: A Multicentric Study. *J Urol.* 2022;207(5):1118-26.

² Schuessler WW, Grune MT, Tecuanhuey LV, Preminger GM. Laparoscopic dismembered pyeloplasty. *J Urol.* 1993;150(6):1795-9.

³ Мухтаров Ш.Т. АФА, Аюбов Б.А., Нуриддинов Х.З., Бахадирханов М.М., Назаров Д.А., Наджмитдинов Я.С., Фозилов А.А. Лапароскопическая пиелоластика – новый «золотой стандарт» для лечения стриктур лоханочно-мочеточникового сегмента у взрослых. *Хирургия Узбекистана.* 2021;90(2):28-34.

тадқиқотлар бўлиб қолмоқда, урологлар орасида минимал инвазив хирургия бўйича ўқитишдаги ютуқлар мураккаб операцияларда, шу жумладан уретерогидронефрозда лапароскопик усулдан кенгроқ фойдаланишга ёрдам бермоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари кам инвазив аралашувларнинг замонавий тамойилларини тадбиқ қилиш ҳамда имкониятларини кенгайтириш орқали суправезикал обструкция ва уретерогидронефрозни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган бир қанча чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган.⁴ Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан суправезикал обструкцияда даволаш-ташхисот тактикасини мақбуллаштириш ҳамда эндохирургик усулларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли урологиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁵ Суправезикал обструкцияли беморларга кўрсатилувчи тиббий ёрдам сифатини

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁵Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Ghidini F, Bortot G, et al. Comparison of Cosmetic Results in Children >10 Years Old Undergoing Open, Laparoscopic or Robotic-Assisted Pyeloplasty: A Multicentric Study. J Urol. 2022;207(5):1118-26; Mendrek M, Vögeli TA, Bach C. Recent advances in urologic surgical techniques for pyeloplasty. 2019 Mar 15;8:F1000 Faculty Rev-295. doi: 10.12688/f1000research.15866.1; Abbas T, et al. Functional recoverability post-pyeloplasty in children with ureteropelvic junction obstruction and poorly functioning kidneys: Systematic review. J Pediatr Urol. 2022 Oct;18(5):616-628; Szavay P. Laparoscopic Pyeloplasty for Ureteropelvic Junction Obstruction. J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2021 Oct;31(10):1214-1218; Merder E, Arıman A. Functional, morphological and operative outcome after pyeloplasty in adult patients: Laparoscopic versus open. Urologia. 2021 Aug;88(3):227-231; Yhoshu E, Menon P, Rao KLN. Outcome Analysis

оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари the Association for Academic Surgery (AAS) and Society of University Surgeons (SUS), Departement of Urology, University Hospital Aachen, Aachen, (Германия); Department of Paediatric Surgery, Leeds Teaching Hospitals NHS Trust, Leeds, (Буюк Британия); Urology Division, Surgery Department, Sidra Medicine, Doha, (Қатар); Department of Pediatric Surgery, Lucerne Children's Hospital, Lucerne, (Швейцария); Oregon Health and Science University, Portland, OR, (АҚШ); Urology, University of Health Sciences, Prof. Dr. Cemil Taşcıoğlu City Hospital, Istanbul, (Туркия); Department of Urology, NYU Langone Health, 550 First Ave, New York, NY, (АҚШ); Hua zhong University of Science and Technology, Wuhan, PR (Хитой); Department of Nuclear Medicine, Postgraduate Institute of Medical Education and Research, Chandigarh, (Ҳиндистон); Department of Urology, University of Illinois at Chicago, Chicago, IL, (АҚШ); Department of Pediatric Urology and Pediatric Surgery, Apollo Centre of Advanced Pediatrics, Indraprastha Apollo Hospitals, Sarita Vihar, New Delhi, (Ҳиндистон); Department of Urology, Amiens University Hospital, Amiens, (Франция); Department of Urology, Beijing Hospital; МДТСУ (Москва, Россия) Урология бўлими; Россия Урология ИТИ; Украина Урология ИТИ (Киев, Украина); «Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ (Тошкент, Ўзбекистон) каби дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юрларида олиб борилмоқда.

Урологияда жарроҳлик хизматини самарадорлигини оширишга, ҳамда лапароскопик амалиётларнинг жарроҳликдан кейинги даврида дренажлаш билан боғлиқ асоратлар сонини камайтиришга қаратилган тадқиқотлар натижасида: туғма гидронефрознинг кенг тарқалган сабаби жом-сийдик найи сегментининг обструкцияси эканлиги исботланган, унинг тарқалганлик кўрсаткичи чакалоқларда 1:1500 дан 1:500 гача ва кўп холатларда ўғил болалар азият чекади (2:1 нисбатда), 60% холатларда чап томонда учрайди, лкеин 10-40% холатларда иккала буйрак зарарланади (Department of Urology, University Hospital Aachen, Aachen, Germany); сийдик йўллари инфекциясида (СЙИ) стент ўрнатиш частотаси паст, пиелопластикадан кейин профилактик антибиотиклар буйириш фойда келтирмайди ва антибиотикларни СЙИ учун бир қанча хавф омиллари мавжуд беморларда қўллаш зарурлиги аниқланган (University of Tennessee Health Science Center/Le Bonheur Children's Hospital, Memphis, TN, USA); Андерсен-Хайнц резекцион пиелопластикаси жом-сийдик найи сегменти обструкциясининг стандарт жарроҳлик даволаш усули эканлиги ва амалиётдан кейин стентлар билан дренажлаш зарурияти аниқ

of Reduction and Nonreduction Dismembered Pyeloplasty in Ureteropelvic Junction Obstruction: A Randomized, Prospective, Comparative Study. *J Indian Assoc Pediatr Surg.* 2022 Jan-Feb;27(1):25-31. doi: 10.4103/jiaps.JIAPS_229_20; An L, et al. Concomitant Treatment of Ureteropelvic Junction Obstruction Complicated by Renal Calculi with Laparoscopic Pyeloplasty and Pyelolithotomy via 19.5F Rigid Nephroscope: A Report of 12 Cases. *J Invest Surg.* 2022 Jan;35(1):77-82. doi: 10.1080/08941939.2020.1824248; Hasan O, Reed A, Shahait M, Crivellaro S, Dobbs RW. Robotic Surgery for Stone Disease. *Curr Urol Rep.* 2023 Mar;24(3):127-133.; Schulster ML, Sidhom DA, Bjurlin MA. Outcomes and peri-operative complications of robotic pyelolithotomy. *J Robot Surg.* 2020 Jun;14(3):401-407. doi: 10.1007/s11701-019-01004-2; Lombardo A, Toni T. Comparative Outcomes of Double-J and Cutaneous Pyeloureteral Stents in Pediatric Robot-Assisted Laparoscopic Pyeloplasty. *J Endourol.* 2021 Nov;35(11):1616-1622. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

эмаслиги белгиланган. Бунда асосан JJ ёки пиелоуретерал (PU) стентлар қўлланилади (Urology and Nephrology Center, Faculty of Medicine, Mansoura University, Mansoura, Egypt; Urology Department, King Fahad Specialist Hospital, Dammam, Saudi Arabia); буйрак жоидаги гидротензия пиелоластика ва хирургик реконструкциядан сўнг йўқолиши, амалиётдан сўнг сийдикнинг эркин оқиши учун JJ-стент 8 хафтага ўрнатилиши, буйрак паренхимасининг зарарланиши орқага қайтиш потенциалига эгаллиги шарт билан 6-8 хафта дренажлаш буйрак функциясини яхшилаши, 8-хафтада дуретик ренограмма яхшиланишни кўрсатмаса, буйракнинг функцияси ортга қайтмас даражада зарарланиши исботланган (Visiting Pediatric Surgeons, Department of Pediatric Surgery, Park Clinic, Kolkata, West Bengal, India); ёмон функцияга эга буйракларда пиелоластикадан сўнг буйракнинг дифференциал функцияси (DRF)нинг яхшиланиши кузатилиши исботланган, ammo DRFдан бошқа прогностик факторлар аниқланмаганлиги келтирилган, шу сабабли қўшимча далиллар аниқланмагунча пиелоластика жом-сийдик найи сегменти обструкциясини даволашнинг мақбул усули эканлиги кўрсатиб ўтилган (Department of Pediatric Urology, Ankara University School of Medicine, Ankara, Turkey).

Хозирги даврда дунёда турли хил суправезикал обструкция турларида лапароскопик аралашувларнинг натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кам инвазив хирургия усулларини қўллашда тажрибанинг ошиб бориши билан лапароскопик жаррохлик амалиётларининг дренажлаш натижаларини, ҳамда узоқ даврли прогнозини объектив баҳолаш учун талаб пайдо бўла бошлади. Лапароскопик пиелоластикадан сўнг буйракнинг косача-жом тизимини дренажлашнинг нефростомик найча, сийдик найи стенти, нефроуретерал стент ва бошқалар каби турли усуллари мавжуд. Баъзи тадқиқотларда нефростомик найчани қўллаш стационар даволаниш муддатини узайтириши ҳақида маълумотлар келтирилган, ammo ушбу тадқиқотлар очик пиелоластикада бажарилган ва ушбу маълумотларни лапароскопик пиелоластикага кўчириш мураккабдир. Кўпчилик тадқиқотларда сийдик найи стентидан нефростомик найчага нисбатан жаррохлик амалиётидан кейинги асоратлар сонининг камлигига урғу берилади. Лекин ушбу тадқиқотларда пиелопластиканинг очик усули қўлланилади ва стентнинг устунлигини шубҳасиз таъкидлаш учун қатнашувчилар сони камлик қилади. Турли клиник ҳолатларда даволаш-диагностика тактикасидаги ноаниқликлар ва илмий ёндашувнинг йўқлиги, юқори даражада ривожланган жаррохлик мавжуд давлатлар ва бирламчи ривожланиш босқичидаги давлатлар орасидаги ошиб борувчи ёриқ ушбу муаммони янги томондан ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пиелоластикада стандарт сифатида буйракни дренажлаш учун ички сийдик найи стентидан фойдаланилади. Ammo амалиётдан кейинги даврда стентнинг сурилиши, яллиғланиш детритлари, тузлар ёки қон лахталари билан беркилиб қолиши мумкин, бу эса буйрак жоидаги чокларнинг ажралиб кетишига ва сийдикнинг экстравазациясига олиб келиши мумкин. Буларнинг барчаси

сыйдик найи стентини алмаштириш, нефростомик дренаж ўрнатиш ёки такрорий лапароскопик пьелопластика каби қўшимча аралашувларни талаб қилади.⁶ Бундан ташқари, барча беморларда рефлюкс нефропатия ва кўтарилувчи инфекция билан қовуқ-сыйдик найи рефлюкси ривожланишини олдини олиш учун 7-10 кунга уретрал катетер ўрнатилиши керак. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, лапароскопик пиелопластика жарроҳлик амалиётида ички сыйдик найи стенти ўрнатилган беморларда бир ойдан сўнг сыйдик найи стентини олиб ташлаш учун наркоз остида қўшимча цистоскопия ўтказилиши зарур. Буйракни дренажлашнинг ушбу усулида, ҳатто қисқа муддатли дренажлашда ҳам, стент ўрнатилган сыйдик найи деворида склеротик ўзгаришларга олиб келувчи моторика ва микроциркуляция бузулишларининг юзага келишини ҳисобга олиш керак. Буларнинг барчаси тиббий ёрдам харажатларини оширади, беморларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради ва амалиётдан кейинги даврда беморларни реабилитация қилиш муддатини узайтиради⁷. Ички сыйдик найи стентларига альтернатива нефростомик найча ва сыйдик найи интубаторни жойлаштириш ҳисобланади. Интубатор сифатида сыйдик найи катетери ишлатилади, унинг ташқи учи беркитилади. Нефростома билан дренажлаш сыйдик найи стентларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Сыйдик найи стентига қараганда каттароқ диаметри нефростомик дренажни ўрнатиш мумкин, бу эса буйракни самарали дренажлаш имконини беради. Дренажнинг катта диаметри қон қуйқалари билан ёпилиб қолиш хавфини камайтиради ва уларнинг фаол ювилишига ёрдам беради, чунки нефростомик дренаж тизимида сыйдик оқимига қаршилик йўқ. Ички сыйдик найи стентидан пастки сыйдик йўллари даражасида сыйдик оқимига қаршилик мавжуд⁸. Нефростомик дренаж буйрак томонидан чиқарилган қонлик сыйдик миқдорини ҳисоблаш имконини беради, шунингдек, сыйдик сифатини баҳолаш мумкин - гематурия ва пиурияни аниқлаш. Жарроҳлик амалиётдан кейинги даврда нефростома ўрнатилган беморларда антеград пиелоуретерографияни амалга ошириш мумкин, бу буйрак жоми бўшлиғининг ҳажминини, жом-сыйдик найи сегменти ва сыйдик йўллариининг ўтказувчанлигини, шунингдек уларнинг фаолиятини баҳолаш имконини беради. Жом-сыйдик найи сегменти ёки сыйдик найининг ўтказувчанлиги кузатилмаса, нефростомани сақлаб қолиб, буйракни дренажлаш учун қўшимча аралашувларни амалга оширмаслик мумкин. Агар сыйдик найининг ўтказувчанлиги мавжуд бўлса, жарроҳлик амалиётдан 14 кун ўтгач нефростомик найчани олиб ташлаш мумкин. Бундан ташқари, беморлар иккинчи кунгач уретрал катетердан халос бўлишади, бу ҳаёт сифатини яхшилади ва реабилитация даврини қисқартиради.

⁶Chatterjee US, Basu AK, Mitra D, Chatterjee SK. Factors Accountable for Unabated Obstruction Following Pyeloplasty. J Indian Assoc Pediatr Surg. 2021 Jan-Feb;26(1):27-31. doi: 10.4103/jiaps.JIAPS_202_19.

⁷S, Elkadhi A, Özcan C, Burgu B, Akinci A, Alnaimi A, Salle JLP. Functional recoverability post-pyeloplasty in children with ureteropelvic junction obstruction and poorly functioning kidneys: Systematic review. J Pediatr Urol. 2022 Oct;18(5):616-628. doi: 10.1016/j.jpuro.2022.07.009.

⁸Szavay P, Zundel S. Surgery of uretero-pelvic junction obstruction (UPJO). Semin Pediatr Surg. 2021 Aug;30(4):151083. doi: 10.1016/j.sempedsurg.2021.151083.

Шундай қилиб, нефростомик найчи кўп жиҳатдан ички сийдик найи стентларидан устундир. Бирок, лапароскопик жарроҳлик амалиёти вақтида нефростомик найчани ўрнатиш техникаси ишлаб чиқилмаган. Нефростомик найча одатда лапароскопик пиелопластикадан олдин ёки кейин тери орқали жойлаштирилади. Бундай ҳолда ультратовуш ва рентген аппаратлари, бутунлай бошқа жарроҳлик асбоблари ва тиббий ходимлари қатнашади. Шунинг учун бу жараёни кўшимча аралашув деб ҳисоблаш мумкин. Яна бир муаммо – сийдик найи интубаторининг беморнинг танасига кўшимча тешик орқали ўрнатилиши ҳисобланади. Сийдик найи интубатори тери орқали ва буйрак жоми бўшлиғидаги кўшимча тешик орқали ёки буйрак жоми чоклари даражасида ўрнатилади, у тана ичида ёй ҳосил қилади, шу билан бирга буйрак, ичак ва бошқа кўшни аъзоларни босади, бу эса жарроҳлик амалиётидан кейинги оғриқни оширади. Уретероцистонеоанастомоз каби сийдик найининг пастки учдан бир қисмидаги реконструктив операцияларда ҳам сийдик найи катетери ва уретрал катетер ёки ички сийдик найи стентидан фойдаланишга тўғри келади.⁹ Бугунги кунга қадар обструктив уропатияда юқори сийдик йўллари дrenaжлаш ва уретероцистонеоанастомозда дrenaжлаш техникасини танлаш учун умумий қабул қилинган кўрсатмалар мавжуд эмас. Нефростомик дренаж ҳам ва ички сийдик найи стентлари ҳам беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи бир қатор камчиликларга эга.¹⁰

Адабиётлар шарҳи ҳозирги вақтда лапароскопик жарроҳлик амалиётларида сийдик йўллари дrenaжлаш масалалари жуда кам ёритилганлиги ва тавсия этилган усуллар жуда кўп камчиликларга эга ёки техник жиҳатдан жуда мураккаб ва иқтисодий жиҳатдан қимматлигини кўрсатди. Бугунги кунга қадар лапароскопик жарроҳлик амалиётида нефростомик дренажни ўрнатиш техникаси тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бизда мавжуд бўлган адабиётларда сийдик йўллари дrenaжлашнинг турли усуллари қўллаш ҳақида маълумот мавжуд, аммо сийдик йўллари дrenaжлашни сийдик найининг интубацияси билан бирлаштириш ҳақида маълумот йўқ. Буйрак жоми тошлари, ЖСНС ва сийдик найи стриктураси сабабли суправезикал обструкцияга чалинган беморларни даволашни яхшилаш учун ушбу мавзу бўйича маълумотларнинг етишмаслиги ушбу тадқиқотни олиб бориш учун сабаб бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ ҳамда “Лапароскопик амалиётларда буйракнинг косача жом тизимини

⁹Treatment of Ureteropelvic Junction Obstruction Complicated by Renal Calculi with Laparoscopic Pyeloplasty and Pyelolithotomy via 19.5F Rigid Nephroscope: A Report of 12 Cases. J Invest Surg. 2022 Jan;35(1):77-82.

¹⁰Zachoval R, Krhut J, Slatinska J, Viklicky O, Janousek L. The relationship between lower urinary tract dysfunctions and urinary leakage from ureterocystoneoanastomosis in male patients after kidney transplantation. Bratisl Lek Listy. 2021;122(5):336-340. doi: 10.4149/BLL_2021_057.

дренажлашнинг нефростомик усулини ишлаб чиқиш” амалий грант лойиҳаси (AL-652204196-R1) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади лапароскопик ташрихларда сийдик йўллари дренажлаш усуллари такомиллаштириш орқали беморларнинг даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лапароскопик пиелопластика, пиелолитотомия ва уретероцистоанастомозда қўлланилувчи сийдик йўллари дренажлаш усуллари клиник самарадорлигини баҳолаш;

лапароскопик пиелолитотомияда нефростомик дренаж ўрнатиш техникасини ишлаб чиқиш;

лапароскопик пиелопластикада буйракнинг косача-жом тизимини дренажлаш ва сийдик найини интубация қилишнинг комбинацион техникасини ишлаб чиқиш;

лапароскопик уретероцистонеанастомоз қўйишда қовуқ ва сийдик найини дренажлашнинг комбинацион техникасини ишлаб чиқиш;

буйракларнинг косача-жом тизимини дренажлаш усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ташрихдан кейинги даврда буйракларнинг косача-жом тизимини дренажлашнинг оптимал давомийлигини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

клиник-инструментал ва лаборатор кўрсаткичларга асосланиб сийдик найини дренажлашнинг таклиф этилган усулларида лапароскопик ташрихлардан сўнгги даврда асоратлар ривожланишининг прогностик мезонларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012-2022 йилларда РИУИАТМда суправезикал обструкция туфайли сийдик йўлларида лапароскопик пиелитотомия, пиелопластика, уретероцистонеанастомоз каби лапароскопик ташрихлар ўтказилган 676 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети лапароскопик пиелолитотомия, пиелопластика ва уретероцистонеанастомозда сийдик йўллари дренажлаш самарадор-лигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

лапароскопик пиелопластикадан сўнг қўшимча мутахассислар ва асбоб-ускуналарни жалб қилмаган ҳолда ташрих вақтидаёқ амалиётни бажариш имконияти билан тавсифланувчи буйракнинг косача-жом тизимини дренажлаш усули такомиллаштирилган;

лапароскопик ташрих вақтида беморларни қўшимча аралашувлар ва анестезия ўтказиш заруриятидан ҳалос қилувчи буйракнинг косача-жом тизимини лапароскопик дренажлаш ва буйракдан қон кетишини тўхтатиш усули такомиллаштирилган;

лапароскопик пиелопластикадан сўнг касалликнинг кечиш оғирлиги ва стриктуранинг жойлашуви ҳамда оператив аралашувнинг хусусиятини ҳисобга олувчи юқори сийдик йўллари дренажлашнинг мақбул усулини танлашнинг клиник-анатомик хусусиятлари аниқланган;

лапароскопик пиелопластикада янги комбинацион техника ёрдамида юқори сийдик йўллари дренажлаш ва сийдик найи интубациялашда барча дренажлар ягона тешикдан чиқарилгани ҳолда сийдик найининг автономлиги сақланиб қолиши аниқланган;

лапароскопик пиелопластикада бир вақтда нефростома ва сийдик найи стентини ўрнатиш, сийдик найини алоҳида интубация қилиш, шунингдек интубатор ва нефростома комбинациясида дренажлашнинг мақбул давомийлигини ойдинлаштиришга қаратилган тактик жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лапароскопик пиелопластикадан сўнг буйракнинг косача-жом тизимини дренажлашнинг ишлаб чиқилган усули ташрихнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириши, даволашнинг айрим муддатларида дизурик белгилар ривожланиш хавфини камайтириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаши исботланган;

лапароскопик пиелопластикада юқори сийдик йўллари дренажлашнинг ва сийдик найи интубациясининг таклиф этилган комбинацион техникасини қўллаш нафақат хавфсиз эканлиги, балки ташрих давомийлигини қисқартириши, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини камайтириши ҳамда беморларни эрта даврларда дренажлардан ҳолос қилиш имконини бериши аниқланган;

антевазал, трансмезентериал пиелопластикада ҳамда тақасимон ва дистопияланган буйракнинг жом-сийдик найи сегменти пластикасида дренажлашнинг мақбул тури сийдик найи стентидан фойдаланиш эканлиги, қолган ҳолатларда нефростома ўрнатиш мақсадга мувофиқлиги аниқланган;

индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мақбул усулни танлаш имкониятини берувчи, клиник ҳолатдан ва оператив аралашув табиатидан келиб чиқиб лапароскопик пиелопластика вақтида юқори сийдик йўллари дренажлаш усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

амалиётдан кейинги даврда дренаж тури ва жом-сийдик найи сегменти ўтказувчанлигига боғлиқ ҳолда буйракларнинг косача-жом тизимини дренажлашнинг мақбул давомийлигини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳолини баҳолашнинг объектив таснифли мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, замонавий илмий ва амалий талабларга жавоб берадиган услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланган, диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни хал қилиш усуллари суправезикал обструкцияли беморлар диагносикаси ва кам инвазив даволашга замонавий илмий-амалий қарашлар ва ёндашувларга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суправезикал обструкциянинг

патогенезини, уни бартараф этиш усулларини ҳамда юқори сийдик йўллари дrenaжлаш усулларини, амалиётдан кейинги асоратларни аниқлаш частотасини чуқурроқ тушунишга, амалиётдан кейин юзага келувчи асоратларнинг частотасини баҳолаш ҳамда яратилган лапароскопик ташрихларда буйракнинг косача-жом тизимини дrenaжлаш усулини танлаш алгоритми ва амалиётдан кейинги даврда буйракларнинг косача-жом тизимини дrenaжлашнинг оптимал давомийлигини аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, лапароскопик реконструктив ташрихлар натижаларини яхшилаш чора-тадбирларини оптималлаштиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида суправезикал обструкцияли беморларда кам инвазив аралашувларнинг тактика-техник жихатлари мақбуллаштирилганлиги ва методологик ёндашувларнинг стандартлаштирилганлиги, нефростомик дrenaж ўрнатиш ва бир қанча дrenaжларни бирлаштириш техникаси суправезикал обструкцияли беморларнинг даволаш тактикасини ва самарадорлигини оптималлаштирибгина қолмай, беморларни дrenaжлардан эрта ҳалос қилиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази» ДМ Эксперт кенгашининг 2024-йил 6 майдаги 06-05-012-сонли хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ нинг 2024 йил 6-майдаги 209-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: лапароскопик пиелопластикадан сўнг кўшимча мутахассислар ва асбоб-ускуналарни жалб қилмаган ҳолда ташрих вақтидаёқ амалиётни бажариш имконияти билан тавсифланувчи буйракнинг косача-жом тизимини дrenaжлаш усули такомиллаштирилгани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №35/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нефростомали беморларни дrenaжлардан тез ҳалос қилиниши ва уларнинг ҳаёт сифати юқори бўлганлиги сабабли, беморларнинг ишлаш ва ўз-ўзини парвариш қилиш қобилияти сийдик йўллари стентлари бўлган беморларга қараганда 30 % га яхши. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ногиронлик ва касалликдан тикланиш даврини қисқартириш беморларнинг нормал ҳаёт ва меҳнатга эрта қайтишига ёрдам беради. Бу ижтимоий фаолликни сақлашга ва жамият ҳаётида иштирок этишга хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Нефростомани ўрнатишнинг янги усулидан фойдаланилганда жаррохлик амалиётининг ўртача нархи 7 450 000 сўмгача пасаймоқда, бу эса ҳар бир операциядан 330 000 сўмгача маблағни тежаш имконини беради. Шунингдек, беморларга 1 430 000 сўмлик стентни олиб ташлаш учун операция хонада цистоскопия қилиш шарт эмас. Бундан ташқари, беморларда кўшимча тиббий аралашувни

талаб қилувчи уринома ривожланиши каби асоратлар кузатилмайди: қўшимча нефростома ўрнатиш - ўртача 3 210 000 сўм; очик жарроҳлик – ўртача 4 200 000 сўм; лапароскопик жарроҳлик - ўртача 7 100 000 сўм. Хулоса: Лапароскопик пиелопластикада нефростома ўрнатишнинг такомиллаштирилган усули сийдик найи стентига нисбатан ҳар бир операция учун 1 760 000 сўмга яқин маблағни тежаш имконини беради. Йилига 100 та жарроҳлик амалиёти амалга оширилса, жами жамғарма тахминан 176 000 000 сўмни ташкил қилади. Бундан ташқари, стентдан фойдаланилганда асоратлар юзага келса, тахминан 3 758 000 сўм қўшимча харажатларга олиб келиши мумкин, бу операция умумий қийматининг тахминан 20,1% ни ташкил қилади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024 йил 6 майдаги 209 сонли хат юборилган;

иккинчи илмий янгилик: лапароскопик ташрих вақтида беморларни қўшимча аралашувлар ва анестезия ўтказиш заруриятидан ҳалос қилувчи буйракнинг косача-жом тизимини лапароскопик дренажлаш ва буйракдан қон кетишини тўхтатиш усули такомиллаштирилгани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №35/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: буйракдан қон кетишини тўхтатиш беморларнинг аҳволини яхшилашда асосий рол ўйнайди, уларнинг минимал қон йўқотиши туфайли тезроқ тикланишига имкон беради. Қон кетишини назорат қилиш билан бажарилган жарроҳлик амалиёти беморлар 45% тезроқ ишга қайтадилар ва 7-10 кун олдин дренажлардан ҳалос бўлишади. Амалиётдан кейин тез тикланиш ва ногиронлик хавфини камайтириш беморларнинг ижтимоий интеграциясига фойдали таъсир кўрсатади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Лапароскопик пиелопластика амалиётининг ўртача нархи 7 615 000 сўмни ташкил қилади. Диссертация натижаларига кўра, нефростомани ўрнатиш пайтида буйракдан қон кетиши беморларнинг 13 фоизда ривожланиши мумкин. Нефростомани ўрнатиш ва буйракдан қон кетишини тўхтатиш учун янги техникадан фойдаланганда, 85% ҳолларда қон кетишини тўхтатиш мумкин. Қон кетиши билан оғриган беморларнинг 4,5 фоизи интенсив терапия бўлимида ўртача 2 кун давомида даволанади. Қолган беморлар оддий бўлимда қўшимча 4 ётоқ куни даволанади. Оддий бўлимда ҳар бир қўшимча тўшак кунига 350 000 сўм, реанимация бўлимида 1 450 000 сўм сарфланади. Буйракдан қон кетган беморларга ўртача 455 000 сўм кўпроқ харажат қилинади. Буйракдан қон кетиш ривожланса, беморларни анъанавий усулда даволаш учун ўртача 1 061 000 сўм, янги техникада эса 748 480 сўмни ташкил этади. Хулоса: Нефростома ўрнатиш ва буйракдан қон кетишини тўхтатиш учун янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш анъанавий усулга нисбатан сезиларли афзалликларни кўрсатади.

Лапароскопик пиелопластика жарроҳлик амалиётининг нархи, буйракдан қон кетиш эҳтимоли, янги техниканинг қон кетишини тўхтатишдаги самарадорлиги ва асоратларни даволашдаги қўшимча харажатлар ҳисобга олиниб, янги техника ҳар бир бемор учун 312 520 сўмга арзон деган хулосага келинди. Йил давомида 100 нафар беморда 31 252 000 сўм маблағни тежашга муваффақ бўлинади. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024 йил 6 майдаги 209 сонли хат юборилган;

учинчи илмий янгилик: лапароскопик пиелопластикадан сўнг касалликнинг кечиш оғирлиги ва стриктуранинг жойлашуви ҳамда оператив аралашувнинг хусусиятини ҳисобга олувчи юқори сийдик йўллари дренажлашнинг мақбул усулини танлашнинг клиник-анатомик хусусиятлари очиқ берилгани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №35/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: дренажлаш усулини танлашни оптималлаштириш жарроҳлик амалиётидан кейин ўртача тикланиш вақтини қисқартиради. Беморларнинг тикланиш вақти тахминан 20% га қисқаради. Бундан ташқари, бу асоратларни олдини олишга ёрдам беради ва касалликнинг мураккаб шаклини ривожланиш эҳтимолини камайтиради. Бу беморларга меҳнат қобилиятини ва ҳаёт сифатини сақлаб қолиш имконини беради. Асоратларнинг олдини олиш ва реабилитация даврини қисқартириш орқали беморлар тезроқ тузалиб, нормал ҳаётга қайтишлари мумкин бўлади. Жисмоний ва психологик фаровонликнинг яхшиланиши туфайли лапароскопик пиелопластика ўтказган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларида тахминан 20% ўсиш кузатилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: М.М. Бахадирхановнинг диссертация тадқиқотида тасвирланган битта "ножўя ҳодиса" учун даволанишнинг ўртача нархи 990 000 сўм эканлигини ҳисобга олган ҳолда, турли турдаги жарроҳлик амалиётлари учун лапароскопик пиелопластикадан сўнг дренажлаш усулини танлашда таклиф этилаётган алгоритмнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мумкин. Пиелитотомия билан лапароскопик пиелопластикада “ножўя ҳодисалар” частотасининг қисқариши 26,6 фоизни (31,6 фоиздан 5,0 фоизга) ташкил этади, асоратларни даволаш харажатлари эса ҳар бир операция учун 263 340 сўмга камайиши кутилмоқда. Антевазал пиелопластикада - 37,5% га (50,0% дан 12,5% гача), асоратларни даволаш харажатлари 371 250 сўмга камайтирилади. Трансмезентерик кириш усулидан фойдаланган ҳолда ЖСНС пластикасида - 63,3% га (67,7% дан 4,4% гача), харажатлар 624 642 сўмга арзонлашди. Тақасимон ёки дистопик буйрақларнинг ЖСНС пластикасида - 84,6% га (15,4% дан 2,3% гача), харажатлар 837 840 сўмга арзонлашди. Иккиламчи пйлопластикада – 27,4 фоизга (34,8 фоиздан 7,4 фоизга), асоратларни даволаш харажатларини ҳар

бир операция учун 273 060 сўмга камайтиради. Барча турдаги операциялардан кейинги асоратларни даволаш харажатларининг умумий қисқариши тахминан 2 389 232 сўмни ташкил этади. Хулоса: Лапароскопик пиелопластикадан сўнг дренажлаш усулини танлаш учун тавсия этилган алгоритмни амалга ошириш соғлиқни сақлаш тизими учун иқтисодий жиҳатдан самарали ечим сифатида баҳоланади. Лапароскопик пиелопластика ўтказган беморларда алгоритмдан фойдаланишдан ўртача иқтисодий фойда асоратлар ривожланиш этимоли ҳисобга олган ҳолда, 2 389 232 сўмни ташкил этади. Ушбу рақамлар таклиф этилаётган ёндашувнинг сезиларли иқтисодий самарадорлигини кўрсатади, бу асоратларни даволаш харажатларини камайтиришга ва тиббий ёрдам сифатини яхшилашга ёрдам беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024 йил 6 майдаги 209 сонли хат юборилган;

тўртинчи илмий янгилик: лапароскопик пиелопластикада янги комбинацион техника ёрдамида юқори сийдик йўллари дренажлаш ва сийдик найи интубациялашда барча дренажлар ягона тешиқдан чиқарилгани ҳолда сийдик найининг автономлиги сақланиб қолиши аниқлангани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №35/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: анъанавий дренажлаш усуллари билан солиштирганда, янги усул жарроҳлик амалиёти давомийлигини қисқартириши, асоратлар хавфини камайтириши ва тикланиш даврини тезлаштириши мумкин. Шундай қилиб, янги усулни жорий этиш вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик давомийлигини ўртача давомийлигини 1-2 кунга қисқартириши мумкин. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Янги усулни қўллаш операциядан кейинги даврда оғриқ қолдирувчи воситаларни қўллашни камайтириш ҳисобига ўртача ҳисобда ҳар бир бемор учун 65 000 сўмгача маблағни тежаш имконини беради. Жарроҳликдан сўнг тезроқ тикланиш туфайли янги усул даволаниш муддатини бир тўшак кунига қисқартириши мумкин. Бир кунлик ётоқнинг ўртача нархи 350 000 сўм бўлиб, пировардида ҳар бир бемор учун 350 000 сўм иқтисод қилиш мумкин. Хулоса. Лапароскопик пиелопластикада юқори сийдик йўллари дренажлаш ва сийдик найи интубациясини бирлаштиришнинг янги усулининг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш натижалари унинг тиббиёт муассасаларида ресурсларни тежаш учун муҳим имкониятларини кўрсатди. Йилига 100 нафар бемор мисолида ушбу усулни амалиётга татбиқ этиш оғриқ қолдирувчи воситаларга сарфланадиган харажатларни 6 500 000 сўмгача камайтириш, шунингдек, шифохонада қолиш муддатини қисқартириш ҳисобига 35 000 000 сўм маблағни тежаш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши

натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024 йил 6 майдаги 209 сонли хат юборилган;

бешинчи илмий янгилик: лапароскопик пиелопластикада бир вақтда нефростома ва сийдик найи стентини ўрнатиш, сийдик найини алоҳида интубация қилиш, шунингдек интубатор ва нефростома комбинациясида дренажлашнинг мақбул давомийлигини ойдинлаштиришга қаратилган тактик жиҳатларга аниқлик киритилгани Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг филиаллари бўйича буйруқ (06.05.2024 й.; №35/1) амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ушбу тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тавсияларга асосланиб, лапароскопик пиелопластика қилинган беморларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликни сезиларли даражада камайиши кутилиши мумкин. Оптимал дренаж алгоритмини жорий этиш бу муддатни 1,5 ҳафтагача қисқартириши мумкин. Тез тикланиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш беморларнинг ижтимоий интеграциясига ёрдам беради, уларга яна бир бор ижтимоий ва касбий ҳаётда фаол иштирок этиш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Нефростома ва сийдик найи стент ёрдамида сийдик йўллари дренажлашда асоратларни камайтириш орқали даволаш харажатларини пасайишини кутиш мумкин. Мисол учун, битта “ножўя ҳодиса”ни даволанишнинг ўртача нархи 990 000 сўмни ташкил қилади. Ўтказилган тадқиқотда нефростома ва сийдик найи стент қўлланилган гуруҳдаги 108 нафар бемордан 2 нафариди “ножўя ҳодиса” кузатилгани ҳисобга олинса, асоратларни камайтиришдан йиллик иқтисодий фойда 19 800 000 сўмни ташкил қилади. Сийдик чиқариш йўллари фақат сийдик йўллари стентидан фойдаланганда йилига 100 нафар беморга 14 838 400 сўмга арзонлашишни кутилиши мумкин. Нефростомия ва интубатор ёрдамида сийдик йўллари дренажлашда, аклиф етилаётган алгоритм беморларнинг 8 фоизиди “ножўя ҳодисалар” билан касалланганлигини ҳисобга олган ҳолда йилига 100 нафар беморга 23 241 600 сўмга харажатларни камайтириш имконини беради. Хулоса. Лапароскопик пиелопластикадан сўнг сийдик йўллари дренажлаш давомийлигини аниқлаш учун тавсия этилган алгоритмни қўллаш касалхонада даволаниш даври ва асоратларни камайтириши орқали даволаш харажатларини сезиларли даражада тушуриши мумкин. Дренажни олиб ташлаш учун оптимал вақтдан фойдаланиш охир-оқибатда тиббиётда харажатларни тежашилига олиб келади. Масалан, касалхонага ётқизиш ва асоратларни даволашнинг ўртача харажатлари тўғрисидаги маълумотларга кўра, алгоритмдан 100 нафар беморга бир йилда фойдаланишнинг иқтисодий фойдаси тахминан 57 880 000 сўмни ташкил қилиши мумкин. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: диссертацион иши натижасида олинган илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш

муассасаларига жорий этиш таклифи билан Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасаси директори томонидан 2024 йил 6 майдаги 209 сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 2 та ихтиро патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамиятини асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг республикадаги устувор илмий-тадқиқот ишларнинг тематик режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Суправезикал обструкцияли беморларнинг реконструктив жарроҳлик амалиётларида сийдик йўлларида дренажлаш**» номли биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Матнда жарроҳлик амалиётларидан сўнг юқори сийдик йўлларида турли дренажлаш усуллари, хусусан нефростомик найчалар, стент-пиелостома, халқасимон нефростомик найча ва ички сийдик найи стентлари кўриб чиқилган. Ҳар бир усулнинг усунлик ва камчилик томонлари дренажлашни бошқариш, кўллашнинг қулайлиги, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар ва соғлиқни сақлаш харажатларини ҳисобга олиб муҳокама қилинган. Матнда турли дренажлаш усулларида самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳоловчи тадқиқотлар натижалари келтирилган ҳамда ички сийдик найи стентларини кўллаш билан боғлиқ ноқулайликларни ва асоратларни камайтиришга ёндашувлар музокара қилинган.

Диссертациянинг «**Клиник кузатувлар ва тадқиқот усулларидаги умумий характеристикаси**» номли иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва усуллар келтирилган.

Тадқиқот учун 2012 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда РИУИАТМ да жарроҳлик йўли билан даволанган 676 та суправезикал обструкцияли бемор

танлаб олинди. Шулардан 388 та (57,4 %) эркак ва 288 та (42,6 %) аёл. Беморлар ёши 18 ёшдан 73 ёшгача эди, ўртача ёш $26,8 \pm 12,9$ ёшни ($M \pm \delta$) ташкил қилди.

Касаллик ташҳиси лаборатор ва инструментал текширув усуллари (УТТ, рентгенологик текширув усуллари, хусусан МСКТ) ёрдамида аниқлаширилди. Асосий текширувларни ўтказгандан сўнг ташҳис қўйилди ва суправезикал обструкциянинг сабаби аниқланди, шундан келиб чиқиб жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

676 та бемордан 45 (6,7 %) таси «Сийдик-тош касаллиги. Буйрак жоми тоши» ташҳиси билан бўлиб, уларга лапароскопик пиелолитотомия амалиёти бажарилди. 591 (87,4 %) та бемор ЖСНС ташҳиси билан лапароскопик пиелопластика амалиёти, 40 (5,9 %) беморга сийдик найининг пастки учдан бир қисми ташҳиси билан лапароскопик уретероцистонеоанастомоз амалиёти ўтказилди.

Лапароскопик амалиётлар учун янги техникалар махсус симуляцион ускуналар (training box) ёрдамида яратилди.

Жарроҳлик амалиётларининг натижаларини баҳолаш учун бир қанча клиник тадқиқотлар ўтказилди. Солиштирма равишда жарроҳлик амалиёти давомийлиги; интраоперацион қон кетиш; интра- ва амалиётдан кейинги асоратлар частотаси; қўшимча аралашувлар частотаси; оғриқнинг ифодаланганлик даражаси; беморнинг стационарда даволаниш давомийлиги; жарроҳлик кесмаси узунлиги; мослаштирилган Висконсин анкетаси (WISQOL) ёрдамида жарроҳлик амалиётидан олдин, 5, 10 кун ва 1 ойдан сўнг беморларнинг ҳаёт сифати баҳоланди; лапароскопик жарроҳлик амалиётларининг асоратларини танифлаш учун Clavien-Dindo тизимидан фойдаланилди.

Олинган маълумотлар асосида лапароскопик пиелолитотомияда юқори сийдик йўллари дренажлаш усулини танлаш алгоритми ва амалиётдан кейин буйраклар косача-жом тизимини дренажлашнинг мақбул давомийлигини аниқлаш алгоритми яратилди. Лапароскопик амалиётлардан кейинги даврда асоратларнинг юзага келиши прогностик меъзонлари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари баҳоланди.

Диссертациянинг «**Юқори сийдик йўлларига дренаж ўрнатиш усулига боғлиқ равишда лапароскопик пиелолитотомия натижалари**» номли учинчи бобида лапароскопик пиелолитотомия амалиётда нефростомик дренаж ўрнатишнинг янги техникасининг самарадорлиги ва хавфсизлиги баҳоланувчи тадқиқот натижалари келтирилган.

Симиляциян ускунада лапароскопик пиелолитотомияда нефростомик найча ўрнатиш техникаси ишлаб чиқилди. Ушбу техника учун ихтиро учун патент олинган (01.03.2021 йил IAP07133). Буйрак жоми бўшлигини очиб, тошни олиб ташлагандан кейин 5 мм Kelly ушловчи ва диссекция қисқичлари ёрдамида буйрак жомини деворлари очилади. Сўнг ўрта ёки паст косочалар гурухлари умумий бўйинчаси топилади. Белдаги нефростомик дренаж чиқиш қисмидаги нуктани мўлжаллаб инструмент учи билан керакли косача бўйнига кирилади. Диссекторнинг учи area cribrosa ёки apex papillariga

теккандан сўнг, инструмент дастаси куч билан босилади, бунда инструмент йўланилишини ўзартмаслик ўта мухим. Диссектор буйрак паренхимаси, паранефрий ва қорин бўшлиги деворидан теригача ўтиши лозим. Бошқа кўлнинг бармоқлари ёрдамида инструмент чиқиш жойи ва унинг учи сезилади. Инструмент устида тери кесилади ва диссектор чиқариб, қисқичлари очилади. Диссектор билан катетерни ушлаб, катетер тананинг ичига тортилади. Катетернинг пуфагини буйрак жомидан ташқарида кўрилганда катетерни кўйиб юборилади. Катетер пуфаги 2-5 мл натрий хлориднинг изотоник эритмаси билан тўлдирилади ва катетер орқага тортилади. Бунда катетернинг учи буйрак жомининг ичига кириши лозим.

Дренажлаш усулига боғлиқ равишда лапароскопик пиелолитотомиянинг натижаларини баҳолаш учун 45 та бемор танлаб олинди. Улар 2 гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ асосий жаррохлик амалиётидан олдин зўрайган сийдик йўллари инфекцияси (СЙИ) сабабли нефростомик дренаж ўрнатилган 18 та бемордан иборат эди; 2 гуруҳ лапароскопик пиелолитотомия жаррохлик амалиётининг ўзида янги яратилган техника ёрдамида нефростомик дренаж ўрнатилган 27 та бемордан ташкил топган эди.

Лапароскопик пиелолитотомия вақтида нефростомик дренаж ўрнатиш жаррохлик амалиёти давомийлигини сезиларли даражада статистик жихатдан узайтирмади ($p > 0,05$). 1 гуруҳда жаррохлик амалиёти давомийлиги $82,5 \pm 16,5$ дақиқани ($M \pm \delta$); 2 гуруҳда – $83,3 \pm 15,6$ дақиқани ($M \pm \delta$) ташкил этди. Интраоперацион қон кетишнинг медианаси нефростомик дренаж ўрнатишнинг янги техникаси апробация қиланган гуруҳда камроқ бўлди (1 ва 2 гуруҳларда 65 мл ва 30 мл; $p < 0,05$). Лекин 2 гуруҳдаги 1 та (3,7%) беморда нефростомик дренаж ўрнатиш вақтида буйракдан қон кетиш (300 мл) кузатилди, ва қон кетиш Фолей пуфагининг буйрак косачаси бўйнига тортиш орқали тўхтатилди.

Бундан ташқари жаррохлик амалиётидан кейин иккинчи гуруҳда визуал аналог шкала бўйича сезиларли даражада оғриқ кузатилди (медиана 5 ва 6 хос гуруҳларда; $p < 0,05$), лекин 3 суткада оғриқнинг ифодаланганлик даражаси иккала гуруҳда статистик жихатдан фарқланмади (2,5 ва 2 балл; $p > 0,05$).

Оғриқнинг ифодаланганлик даражаси қўлланилган опиоид аналгетикларнинг (Промедол 20 мг) дозасига таъсир қилмади (1 гуруҳда 2 (11,1%); 2 гуруҳда 3 (11,1%); $p > 0,05$). Ушбу ҳолат нонаркотик оғриқ қолдирувчилар (диклофенак медиана дозада 1 гуруҳда 150 мг ва 2 гуруҳда 175 мг, аналгин медиана дозада иккала гуруҳда 500 мг) гуруҳларда фарқ қилмади ($p > 0,05$).

Жароҳат узунлиги (30,5 мм ва 30 мм) ва беморларнинг стационарда даволаниш давомийлиги ($3,8 \pm 0,6$ кун ва $4,0 \pm 0,9$ кун) икки гуруҳда статистик жихатдан фарқ қилмади ($p > 0,05$). Лапароскопик пиелолитотомиядан сўнг нефростомик дренажларни олиб ташлаш муддатлари сезиларли даражада фарқ қилмади (1 гуруҳда $13,6 \pm 4,0$; 2 гуруҳда $13,1 \pm 3,5$; $p > 0,05$).

Хуллас нефростомик дренаж ўрнатишнинг янги техникаси тери орқали нефростомик дренаж ўрнатиш усули каби травматикликка эга деб хулоса қилиш мумкин.

1 гуруҳдаги 7 та (38,9 %) беморда турли амалиётдан кейинги асоратлар учради: яранинг йиринглаши – 1 та (5,5%); СЙИнинг зўрайиши – 3 та (16,7%); ичак дисфункцияси - 1 та (5,5%); кичик плексопатия – 2 та (11,1%) бемор. 2 гуруҳдаги 8 та (29,6%) беморда қуйидаги амалиётдан кейинги асоратлар учради: яранинг йиринглаши – 1 та (3,7%); СЙИнинг зўрайиши – 2 та (7,4%); ичак дисфункцияси - 1 та (3,7%); кичик плексопатия – 3 та (11,1%); узоқ муддат дренажлашни талаб қилувчи гематурия - 1 та (3,7%) бемор.

Барча асоратлар консерватив усуллар ёрдамида даволанди ва кўшимча аралашувларга талаб бўлмади (Clavien-Dindo бўйича I ва II даражали асоратлар). Асоратларнинг учраш частотаси бўйича статистик жихатдан гуруҳлар орасида фарқ кузатилмади ($p > 0,05$), бу эса лапароскопик пиелолитотомияда янги ишлаб чиқилган нефростома ўрнатиш усули беморларда қўллаш учун хавфсиз деб таъкидлаш имконини беради.

Беморларнинг хаёт сифатини баҳолаш Висконсин анкетаси (WISQOL) ёрдамида жаррохлик амалиётидан олдин, 5, 10 кун ва 1 ойдан сўнг амалга оширилди. Жаррохлик амалиёти ўтказилгандан сўнг беморларнинг хаёт сифати ёмонлашди (5 ва 10 кун), лекин 1 ойдан сўнг беморлар хаёт сифати амалиётдан олдинги даврга нисбатан яхшиланди (39,6 балл ва 68,7 балл). Бу лапароскопик пиелолитотомия асосий касалликнинг симптомларини йуқотиш орқали беморларнинг хаёт сифатини яхшилади деб хулоса қилиш учун асос бўлади.

Биринчи гуруҳдаги беморларнинг хаёт сифати жаррохлик амалиётидан олдин ўрнатилган нефростома сабабли ёмон эди (102,1 балл ва 46,5 балл; $p < 0,05$). 5 кун беморларнинг хаёт сифати иккинчи гуруҳда яхшироқ эди (90,1 ва 97,4; $p < 0,05$); 10 кун иккала гуруҳда бир хил эди (82,6 ва 78,9; $p > 0,05$). Лапароскопик пиелолитотомиядан 1 ой ўтгандан сўнг гуруҳлар орасида хаёт сифати статистик жихатдан фарқ қилди (42,7 ва 37,5; $p > 0,05$). Шундай қилиб лапароскопик пиелолитотомияда ўтнатилган нефростомик дренажли беморларда хаёт сифати яхши, ва амалиёт беморлар томонидан энгил ўтказилади.

«Юқори сийдик йўллари дренажлаш усулига боғлиқ равишда лапароскопик пиелопластиканинг натижалари» номли тўртинчи бобда лапароскопик пиелопластикада юқори сийдик йўллари дренажлаш ва сийдик найини интубация қилиш комбинацияси янги техникасининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳоловчи тадқиқот натижалари кўриб чиқилган. Янги техника учун ихтиро учун патент олинган (01.03.2021 йил IAP 07132). Буйракга ва ЖСНСга кириш қабул қилинган усул ёрдамида амалга оширилади. Буйрак жоми ва сийдик найи ажратилади, ЖСНСнинг зарарланган қисми резекция қилинади. Сийдик найининг охири спатуляция қилинади, буйрак жомининг пастки нуқтаси ва спатуляция қилинган сийдик найининг пастки нуқтаси биринчи тугунли чок ёрдамида тикилади ва аъзолар учлари бир бирига яқинлаштирилади. Сўнг 18 Fr ўлчамли Фолей

катетери ва 4-6 Fr ўлчамли сийдик найи катетери тайёрланади. Катетерни тайёрлаш учун катетер пуфакча хаво ёки 3-5 мл изотоник эритма билан тўлдирилади. Гемостатик қисқич ёрдамида катетерда тешик ҳосил қилинади ва қисқичнинг учи ташқарига чиқарилади. Катетер пуфакчаси бўшатилади. Гемостатик қисқич очилиб сийдик найи катетери қисилади ва ичкарига тортилади. Кейин яна қисқич тешикдан чиқарилади ва сийдик найи катетерининг бошқа учи қисиб, ичкарига тортилади. Сийдик найи катетерининг бир учини теришдан ишчи канал орқали тўлиқлигича ташқарига чиқарилади. Катетер пуфакчасини бутунлигига ишонч ҳосил қилиш учун яна пуфакча 3-5 мл изотоник эритма билан тўлдирилади. Катетернинг тайёр ҳолати 1 расмда келтирилган.

Сўнг нефростомик дренаж ўтнатиш босқичлари қайтарилади. Буйракнинг ўрта ёки пастки косачалари гуруҳи топилади, Kelly диссектори ёрдамида косачага кириб, барча тўқималардан ўтиб теригача чиқилади. Жарроҳ бошқа қўлининг бармоқлари ёрдамида диссектор чиққан тери соҳаси топилади ва скалпел ёрдамида инструмент устида тери кесилади, диссектор танадан ташқарига чиқарилади. Инструментни очиқ аввал тайёрланган Фолей катетери қисиб, ичкарига тортилади. Бунда Фолей катетерининг бошқа учи карбонад ангидрид газининг ташқарига чиқиб кетишини олдини олиш учун қисқич ёрдамида қисилган, сийдик найи катетерининг Фолей катетери учуда чиқиш қисми пастга (каудал) қараб туриши ва сийдик найи катетри эса букилиб Фолей катетери бўйлаб жойлашган бўлиши лозим. Диссектор билан Фолей катетери сийдик найи катетерининг чиқиш қисми ва катетернинг ўзи буйрак жоида жойлашмагунча ичкарига тортилади. Фолей катетери пуфакчаси 2-5 мл изотоник эритма билан тўлдирилиб, катетер орқага тортилади. Сўнг диссектор ёрдамида сийдик найи катетерининг учи ушланиб, сийдик найи ичига ўрта учдан бир қисмигача тушурилади. Фолей катетери чоклар ёрдамида терига маҳкамланади. Анастомоз тугатилади. Фолей катетери учидан қисқич олиб ташланади, ишчи канал орқали 5 мл изотоник эритма жўнатилиб, буйракнинг косача-жом тизими ювилади ва анастомоз геметиклиги текширилади. Катетер охирига сийдик тўпловчи қопча уланади.



1 расм. Ичидан сийдик найи катетери ўтказилган 18 Fr ўлчамли Фолей катетери.

Илмий тадқиқот учун 2012 йилдан 2022 йилгача РИУИАТМда лапароскопик пиелопластика амалиёти ўтказган 591 та бемор танлаб олинди. Беморларнинг ўртача ёши $25,8 \pm 12,6$ ёш ($M \pm \delta$), ёш чегаралари 18 ёшдан 73 ёшгача бўлган ораликни ташкил этди. Беморларнинг 340 таси (57,4%) – эркаклар, 251 таси (42,5%) аёл эди. Илмий тадқиқотнинг барча қатнашувчиларига қабул қилинган диагностика стандартлари асосида лаборатор ва инструментал текширувлар ўтказилди.

Барча беморлар йуқори сийдик йўллари дrenaжаш ва сийдик найи интубациясига боғлиқ равишда 4 та гуруҳга ажратилди:

– I гуруҳ – амалиётдан сўнг нефростома ва сийдик найи стенти ўрнатилган беморлар;

– II гуруҳ фақат сийдик найи стенти ўрнатилган 188 та бемордан иборат эди.

– III гуруҳ нефростома ва интубатор алохида тешиқлар орқали чиқарилган 236 та бемордан ташкил топган эди.

– IV гуруҳ ўчи ичига янги яратилган юқори сийдик йўллари дrenaжаш ва сийдик найи интубацияси техникаси қўлланилган 59 та беморни олар эди.

Жаррохлик амалиёти давомийлигини тахлил қилиш янги юқори сийдик йўллари дrenaжаш ва сийдик найи интубацияси техникаси ($93,5 \pm 10$ дақиқа; $M \pm \delta$) нефростома ва сийдик найини ўрнатишга ($111,1 \pm 21$ дақиқа; $M \pm \delta$), ёки нефростома ва интубатор ўрнатишга ($124,0 \pm 12,6$ минут; $M \pm \delta$) нисбатан кам вақт олишини кўрсатди ($p < 0,05$). Янги техникани қўллаб бажарилган лапароскопик пиелопластика давомийлиги сийдик найи стентини қўллаб бажарилган амалиёт давомийлигига ўхшаш эканлиги аниқланди ($92,5 \pm 10$ дақиқа; $M \pm \delta$); ($p > 0,05$).

Интраоперацион қон кетиш хажмини тахлил қилиш гуруҳлар орасида статистик ишончли фарқ йўқлигини кўрсатди ($p > 0,05$), барча гуруҳларда

қон кетишнинг медиана хажми 40 мл (Квартиллар орасидаги масофа – КОМ - 20 мл) ташкил этди. Ягона интраоперацион асорат – буйракдан қон кетиш I гуруҳда – 4 та (3,7%), II гуруҳда – 2 та (1,1%), III гуруҳда – 3 та (1,3%) ва IV гуруҳда – 1 та (1,7%) беморда учради. Бунда интраоперацион қон кетиш хажми 300 млдан ошмади ва гемотрансфузияга эҳтиёж кузатилмади.

Юқоридагиларни инобатга олиб юқори сийдик йўллари дренажлашнинг ва сийдик найини интубация қилишнинг барча усуллари интраоперацион қон кетиш ва амалиёт давомидаги асоратларга нисбатан бир хил хавфсизликка эга деб хулоса қилиш мумкин.

Амалиётдан кейинги оғриқни баҳолашда сийдик найи стенти ўрнатиш ва юқори сийдик йўллари дренажлаш ва сийдик найи интубациясининг комбинацияси техникаси амалиётдан кейинги биринчи суткада нефростома ва сийдик найи стенти ўрнатиш ёки нефростома ва интубатор ўрнатишга нисбатан паст амалиётдан кейинги оғриқ кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди (II ва IV гуруҳларда медиана балл – 5; I ва III гуруҳларда медиана балл – 6); ($p < 0,05$). Лекин 3 суткада барча гуруҳларда оғриқнинг ифодаланганлик даражаси тенглашади ($p > 0,05$).

Амалиётдан кейинги даврда опиоид аналгетикларни қўллаш частотаси ҳамда нонаркоитик аналгетикларнинг ўртача дозалари гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан ишончли фарқ қилмади ($p > 0,05$). Барча беморларда промедол 5,3% ҳолатларда қўлланилган. Диклофенакнинг медиана дозаси 175 (КОМ=125) мг; аналгинники эса 2000 (КОМ=1500) миллиграмми ташкил этди.

Барча беморларда стационар даволаниш давомийлиги $3,7 \pm 0,7$ суткани ($M \pm \delta$) ташкил этди: I ва IV гуруҳда – $3,6 \pm 0,7$ сутка ($M \pm \delta$); II ва III гуруҳда – $3,6 \pm 0,7$ сутка ($M \pm \delta$) бўлиб, ишочли фарқ қилмади ($p > 0,05$). Шундай қилиб дренажлаш усуллариининг стационар даволаниш давомийлигига таъсири аниқланмади.

Уретрал катетер III ва IV гуруҳларда биринчилардан бўлиб олиб ташланди ($2,3 \pm 0,5$ сутка; $M \pm \delta$). Энг охири II гуруҳда ($9,4 \pm 1,6$ сутка; $M \pm \delta$). I гуруҳда уретрал катетердан беморлар $3,4 \pm 0,9$ ($M \pm \delta$) суткада халос қилинди. Нефростомик дренажни олиб ташлаш муддати III ва IV гуруҳларда деярли бир хил ($17,4 \pm 4,4$ ва $17,4 \pm 3,2$ сутка; $M \pm \delta$); I гуруҳда эса сийдик найи стенти мавжудлиги учун кечроқ ($22,3 \pm 4,1$ сутка; $M \pm \delta$) амалга оширилгани аниқланди. Лекин ушбу гуруҳда сийдик найи стенти эртарок олинди ($25,0 \pm 4,5$ сутка; $M \pm \delta$). II гуруҳда стент ўртача амалиётдан 1 ойдан кейин олинди ($29,5 \pm 2,1$; $M \pm \delta$).

Сўнг лапароскопик пиелопластикадан кейинги асоратлар баҳоланди ва Clavien-Dindo бўйича таснифланди. 242 та I даражали асорат, 58 та II даражали, 41 та IIIа даражали ва 3 та IIIб даражали асоратлар аниқланди.

Амалиётдан кейинги жароҳат йиринглашининг учраш частотаси (1,7%), гемотрансфузия талаб қилувчи гематурия (8,1%), енгил плексопатия учраш частотати (3,4-3,8%) бўйича гуруҳлар орасида ишончли фарқ аниқланмади ($p > 0,05$). Икки суткадан узоқ давом этган ичак дисфункцияси III гуруҳдаги 32 та (13,6 %) беморда кузатилди, бошқа гуруҳларда ушбу

асорат камроқ кузатилди (4,3 % дан 5,1 % гача); ($p < 0,05$). Ушбу ҳолат қорин бўшлиғида жойлашиб, ичакни босиб спазм ва оғриқлар чақирувчи интубатор билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кучли ифодаланган дизурик белгилар сийдик найи стенти мавжуд бўлган гуруҳларда кўпроқ учради (I ва II гуруҳлар) – 27,8 % ва 32,9 %, қолган гуруҳларда эса ушбу асорат 1,7 % ҳолатда кузатилди ($p > 0,05$).

Clavien-Dindo бўйича II даражали асоратлардан фақат СЙИ зўрайиши кузатилди. СЙИ зўрайиши кўпроқ сийдик найи стенти мавжуд гуруҳларда учради (I ва II гуруҳлар) – 11 та (10,2 %) ва 23 та (12,2 %) беморда. Қолган гуруҳларда СЙИ зўрайиши камроқ кузатилди – мос равишда 21 та (8,9 %) ва 3 та (5,1 %) беморда. СЙИ зўрайишининг сийдик найи стенти мавжуд беморда кўпроқ учрашининг сабабини стент орқали рефлюкс билан тушунтириш мумкин.

II гуруҳдаги 12 та (6,4%) беморда амалиётдан кейин стентнинг обструкцияси ва қорин дренажи орқали кўп миқдорда сийдик ажралиши кузатилди. Уларга кейинчалик тери орқали нефростомия амалиёти бажарилди.

Нефростомик дренаж мавжудлигида уринома ҳосил бўлиш частотаси сийдик найи стентига нисбатан 3-4 марта кам (1,7-3,7 %га нисбатан 9,6%); (Хи-квадрат, $p < 0,05$). Ушбу асоратни даволаш учун қўшимча амалиётлар ўтказишга тўғри келади (тери орқали нефростомия, стентни алмаштириш ёки нефростомани алмаштириш) ёки лапароскопик пиелопластика амалиёти қайтарилади (II гуруҳда 2 та (1,1%) ва III гуруҳда 1 та (0,4%) беморда).

Амалиётдан олдин I гуруҳда беморларнинг ҳаёт сифати пастроқ эди ($52,4 \pm 16,5$ балл; $M \pm \delta$), чунки ушбу гуруҳда амалиётдан олдин нефростома ўрнатилган беморлар бор эди. Бошқа гуруҳларда ўртача балл фарқ қилмади ($p > 0,05$) ва ўртача $43,0 \pm 4,2$ баллни ($M \pm \delta$) ташкил этди. Амалиётдан кейин 5 кун IV гуруҳдаги беморларнинг ҳаёт сифати бошқа гуруҳларга нисбатан яхшироқ эди (I гуруҳда - $100,8 \pm 8,3$; II гуруҳда - $101,3 \pm 10,7$ балл; III гуруҳда $102,5 \pm 7,2$ балл ва IV гуруҳда - $88,2 \pm 6,2$ балл; $M \pm \delta$); ($p < 0,05$). 10 кун WISQOL бўйича энг паст кўрсаткич IV гуруҳда ($73,3 \pm 8,7$; $M \pm \delta$), энг баланд кўрсаткич бўлса, II гуруҳда кузатилди ($88,3 \pm 10,9$; $M \pm \delta$); ($p < 0,05$). Ушбу даврда сийдик найи стенти кўйилган беморлардан уретрал катетер олиб ташланиши ва беморларни кучли дизурик сезгилар безовта қилиши билан юқоридаги натижаларни тушунтириш мумкин. Бир ойдан сўнг аналогик ҳолат кузатилади. Энг паст кўрсаткич I, III ва IV гуруҳларда – $42,1 \pm 4,6$ ($M \pm \delta$); $41,8 \pm 4,0$ ($M \pm \delta$); $39,6 \pm 3,7$ ($M \pm \delta$). Чунки беморлар ушбу даврда барча дренажлардан ҳолос қилинади. II гуруҳдаги беморларнинг кўпчилигидан сийдик найи стенти олиб ташланмаганлиги ёки стент цистоскопия усулида яқин орада олиб ташланганлиги сабабли уларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичи ($55,4 \pm 6,2$; $M \pm \delta$) бошқаларга нисбатан ёмон бўлади ($p < 0,05$).

Маълумотлар тахлили натижасида лапароскопик пиелопластикадан сўнг юқори сийдик йўллари дренажлашнинг барча усуллари интраоперацион қон кетиш хажмига ва интраоперацион асоратлар

частотасига, оғриқ қолдирувчи дори воситаларининг қўлланилишига ва стационар даволаниш давомийлигига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Лекин нефростома ўрнатиш жаррохлик амалиёти давомийлигини узайтиради ва жароҳатланишни оширади. Бундан фарқли ўлароқ сийдик найи стентини қўллаш қўшимча амалиётлар ёки қайта реконструктив амалиётни талаб қилувчи амалиётдан кейинги асоратлар частотасини оширади, беморлар дренажлардан кеч халос қилинади ва стент сабабли дизурия уларнинг хаёт сифатини пасайтиради.

Диссертациянинг «**Юқори сийдик йўллари**нинг дренажлаш усулига нисбатан лапароскопик уретероцистонеоанастомознинг натижалари» номли бешинчи бобида лапароскопик уретероцистонеоанастомозда қовуқ ва сийдик найини дренажлашни бирлаштириш янги техникасининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари тасвирланган. Жаррохлик пайтида Фолей катетери тайёрланади. Дренаж учун 18-22 Fr Фолей катетерлари мос келади. Катетер юқорида тасвирлангандек ўтилганидек тайёрланади. Сийдик найи стриктураси аниқлангандан сўнг, у резекция қилинади. Сийдик найининг пастки учдан бир қисмида спатуляция қилинади. Кейин сийдик найини имплантация қилиш жойи аниқланади. Шундан сўнг, цистотомия амалга оширилади – сийдик найи имплантация қилинувчи жойда қовуқни кесиш. Уретероцистонеоанастомоз биринчи чокни спатуляцияланган сийдик найининг пастки учи ва цистотомик кесманинг пастки учи орасига қўйилиши билан бошланади. Анастомознинг орқа девори 3/0 Викрил ип ёрдамида узлуксиз чок билан тикилади. Кейинчалик, уретрал катетер махсус тайёрланган сийдик найи катетери ўтказилган Фолей катетерига алмаштирилади. Қовуқ деворидаги кесма орқали диссекторни киргизиб, сийдик найи катетерининг учи ушлаб олинади. Сийдик найи катетерини қовуқдан қорин бўшлиғига чиқарилади. Асбобнинг йўналишини ўзгартириб, сийдик найи катетерини спатуляцияланган сийдик найига юқори учдан бир қисмигача киргизилади. Фолей катетер пуфакчаси шиширилади ва сийдик тўпловчи халта уланади. Бунда сийдик найи катетер сийдик тўпловчи халтанинг найчаси ичида жойлашиши лозим. Кейинчалик уретероцистонеоанастомоз тугалланади. Анастомоз қўшимча чоклар билан мустаҳкамланиши зарур.

Тадқиқот учун 2019-2022-йилларда РИУИАТМда сийдик найининг пастки учдан бир қисми стриктурасини жаррохлик йўли билан даволаган 40 нафар бемор танлаб олинди. Барча беморларнинг ўртача ёши $31,9 \pm 14,0$ ёшни ташкил этди ($M \pm \delta$). Уларнинг 18 таси (45%) эркак ва 22 таси (55%) аёл эди.

Барча беморлар юқори сийдик йўллари дренажлаш ва сийдик найини интубация қилиш усулига кўра 2 гуруҳга бўлинди: А гуруҳ – сийдик найи стенти қўлланилган 23 та бемор; Б гуруҳ – сийдик найи ва қовуқни дренажлашни бирлаштириш янги усули қўлланилган 17 та бемордан иборат эди.

Гуруҳлар ўртасида операция давомийлигида фарқ кузатилди (А гуруҳ - $103,3 \pm 12,3$ дақиқа; Б гуруҳ - $122,1 \pm 14,0$ дақиқа; $M \pm \delta$); $p < 0,05$. Бунинг

сабаби Фолей катетерини тайёрлаш учун зарур бўлган қўшимча вақт ва сийдик найига катетерни киритиш қийинлигидир.

Статистик таҳлил натижасида интраоперацион қон йўқотиш ҳажми (А гуруҳ - 30 мл, КОМ=20; Б гуруҳ - 50 мл, КОМ=10), амалиётдан кейинги 1-кун (визуал аналог шкала бўйича медиана 6 балл) ва 3-кун (медиана - 3 балл) оғриқнинг ифодаланганлиги, опиоид аналгетикларни қўллаш частотаси (4,4-5,9%); НСЯҚВларнинг дозалари (диклофенакнинг ўртача дозаси 175 мг, аналгин 2250 мг) ва касалхонада даволаниш муддати (ўртача ётоқ куни $3,9 \pm 0,6$ кун; $M \pm \delta$) гуруҳлар ўртасида статистик фарқ қилмаслиги аниқланди ($p > 0,05$).

Сийдик найи стенти қўлланилган А гуруҳидаги беморларда уретрал катетерни олиб ташлашнинг медиана вақти 8 кунни ташкил этди (КОМ = 2,5). Қовуқ ва сийдик найи дренажларини бирлаштиришнинг янги усули қўлланилган Б гуруҳда – 18 кун (КОМ = 5). Иккинчи ҳолатда, сийдик найини интубация қилиш ва дренажлаш учун кўпроқ вақт керак бўлди, чунки сийдик найи катетери уретрал катетерга уланган эди. А гуруҳида сийдик найи стентининг сийдик найида қолишининг медиана давомийлиги 29 кунни ташкил қилди (КОМ=4).

Амалиётдан кейинги I даражали асоратлардан қуйидагилар кузатилди: жаррохлик жарохатининг йиринглаши - 2 та (5,0%); ичак дисфункцияси - 3 та (7,5%); енгил плексопатия - 3 та (7,5%); кучли дизурик белгилар - 10 та (25,0%) ва қон қуйишни талаб қилмайдиган гематурия – 5 та (12,5%) беморда. Clavien-Dindo бўйича II даражали асоратлардан фақат сийдик йўллари инфекциясининг кучайиши кузатилди - 7 та (17,5%) беморда. Гуруҳлар ўртасидаги қиёсий таҳлил операциядан кейинги асоратларнинг частотасида статистик фарқни аниқламади ($p > 0,05$).

Амалиётдан олдин WISQOL бўйича баҳоланган беморларнинг ҳаёт сифати бир хил эди (А гуруҳда - $43,0 \pm 3,8$; Б гуруҳда - $41,9 \pm 4,3$ балл; $M \pm \delta$). 5-куни Б гуруҳда ҳаёт сифати бироз яхшиланди ($83,8 \pm 4,3$ га нисбатан $81,2 \pm 3,4$ балл; $M \pm \delta$). 10-кунида гуруҳлар ўртасида WISQOL бўйича ўртача кўрсаткичлардаги фарқ янада яққол кўзга ташланди (А гуруҳида – $94,0 \pm 7,2$; Б гуруҳда – $73,0 \pm 2,5$; $M \pm \delta$). Бунда қовуқ ва сийдик найини дренажлашнинг янги усули қўлланилган беморларнинг ҳаёт сифати яхши эди. Чунки сийдик найи стенти мавжуд беморларда бу вақтга келиб уретрал катетер олиб ташланган эди ва улар кучли дизурик сезгиларни бошдан кечирар эдилар. Лапароскопик уретероцистонеонастомоздан бир ой ўтгач, сийдик найи стенти мавжуд беморларда ҳаёт сифати ёмонроқ эди ($50,0 \pm 11,4$ га нисбатан $39,0 \pm 2,2$ балл), чунки бу вақтда барча беморларда сийдик найи стентлари олиб ташланмаган эди, аммо Б гуруҳидаги беморлар бутунлай сийдик йўллари дренажларидан халос бўлган эдилар.

Шундай қилиб, лапароскопик уретероцистонеонастомозда қовуқ ва сийдик найини дренажлашни бирлаштиришнинг янги усули нафақат хавфсиз эканлиги, балки беморлар томонидан енгилроқ қабул қилиниши аниқланди. Юқори сийдик йўллари дренажлашнинг ҳаёт сифатига таъсири илгари қўлланилган усулларга қараганда камроқлиги кўрсатилди.

Диссертациянинг «Лапароскопик жаррохлик амалиётларидан сўнг юқори сийдик йўллари дренажлаш тактикасини такомиллаштириш» номли олтинчи бобида лароскопик аралашувларда дренажлашни мақбуллаштириш усуллари келтирилган.

Лапароскопик пиелопластикадан кейин юқори сийдик йўллари дренажлашнинг оптимал усули «номақбул ҳодисалар» частотасини баҳолаш орқали аниқланди. «Номмақбул ҳодисалар»га жаррохлик пайтида қон кетиши билан катта томирларнинг шикастланиши, операция вақтида маълум дренажни ўрната олмаслик, операциядан кейинги даврда СЙИнинг кучайиши, нефростомик дренажнинг функцияси бузилиши, нефростомик дренажнинг дислокацияси, сийдик найи стентининг сурилиши, сийдик найи интубаторининг дислокацияси, сийдик найи стентининг обструкцияси, уринома хосил бўлиши, сийдикнинг бошқа дренажлар орқали оқиши, антеград пиелоуретерография ёки экскретор урография пайтида контрастнинг экстравазацияси, антеград пиелоуретерографияда ЖСНСнинг ўтказувчанлиги йўқлиги, ЖСНС стриктурасининг қайталаниши киргизилди.

Пиелолитотомия билан лапароскопик пелопластикада сийдик найи стентини қўллашда «номақбул ҳодисалар» частотаси 31,6%, нефростомия ва сийдик найи интубаторида 5,0% ташкил этди, нефростомия ва сийдик найи стентидан еса «номақбул ҳодисалар» қайд этилмади (Хи-квадрат; $p < 0,05$). Шундай қилиб, агар лапароскопик пиелопластика ва пиелолитотомия режалаштирилган бўлса, нефростомик дренаж ўрнатиш ва сийдик найини каналини интубатор ёки сийдик найи стентидан фойдаланган ҳолда интубация қилиш мақбулдир.

Антевазал пиелопластикадан сўнг нефростомик дренаж ва сийдик найи стентини қўллашда «номақбул ҳодисалар» частотаси – 50%, сийдик найи стентидан фойдаланганда – 12,5%; нефростома ва интубатор билан – 40,0% ни ташкил этди. Юқоридагилардан келиб чиқадики, антевазал пиелопластика вақтида сийдик найи стентини ўрнатиш афзалроқдир, чунки нефростома ва интубаторни ўрнатиш қийин ва буйракнинг пастки қутб томирларига зарар етказиш хавфи юқори.

Трансмезентерик (трансмезоколик) ёндашув ёрдамида ЖСНС пластикасида нефростома ва сийдик найи стентидан фойдаланилганда, «номақбул ҳодисалар» частотаси – 67,7% ни ташкил этди; сийдик найи стентидан – 7,7%; нефростома ва интубаторда – 50,0% (Хи-квадрат; $p < 0,05$). Шунинг учун трансмезентерик (трансмезоколик) ёндашув ёрдамида амалга оширилувчи пиелопластикада юқори сийдик йўллари дренажлаш учун сийдик найи стентини ўрнатиш тавсия этилади.

Тақасимон буйракнинг ЖСНС пластикаси 9 беморда, дистопик буйракда еса 10 беморда амалга оширилди. Тақасимон буйракли 2 беморда нефростомик дренажни ўрнатиш муваффақиятсиз бўлди, биринчи ҳолатда буйракдан қон кетиш кузатилди, иккинчи ҳолатда буйрак томирларининг шикастланиши юз берди. Дистопик буйракли 4 нафар беморга нефростомик дренаж ва сийдик найи стент ўрнатилди. Уларнинг 2 тасида (50%) операция вақтида ва 1 тасида (25,0%) операциядан кейин буйракдан қон кетиши, 1

тасида (25,0%) дренаж дислокацияси қайд этилди. Сийдик найи стентидан фойдаланилганда «номақбул ҳодисалар» частотаси 15,4% ни ташкил этди. Шундай қилиб, тақасимон ёки дистопик буйракларда пиелопластикани амалга ошираётганда, сийдик найи стентидан фойдаланиш афзалроқдир ва биз ишлаб чиққан нефростомик найчани ўрнатиш усули бу вазиятда мос келмайди.

76 та беморда жаррохлик амалиёти ўтказилган буйракда иккиламчи пиелопластика амалиёти бажарилди. Сийдик найи стентини қўллашда «номақбул ҳодисалар» частотаси 34,8% ни ташкил этди; нефростома ва сийдик найи стентидан фойдаланганда – 7,4%; нефростома ва интубаторда – 11,5% (Хи-квадрат; $p < 0,05$). Шундай қилиб, бу ҳолатда сийдик йўллари дренажлаш учун нефростомани қўллаш тавсия этилади ва сийдик найини интубация қилиш учун сийдик найи стенти ёки интубатордан фойдаланиш мумкин.

169 та беморда пастки кутб томирларининг лапароскопик резекцияси ва ЖСНС пластикаси жаррохлик амалиёти ўтказилди. «Номмақбул ҳодисалар»нинг энг юқори частотаси сийдик найи стентли беморлар гуруҳида кузатилган – 18,9% (Хи-квадрат; $p < 0,05$). Нефростома ва сийдик найи стент мавжуд беморлар гуруҳида «номақбул ҳодисалар» частотаси 4,4% ни ташкил этди, нефростома ва интубаторли беморлар гуруҳида - 4,5%.

331 та беморда «оддий» пиелопластика амалиёти амалга оширилди. Нефростома ва сийдик найи стенти қўлланилган беморлар гуруҳида (4,5%), шунингдек, нефростома ва интубаторли беморларда (4,9%) «номақбул ҳодисалар» частотаси паст бўлди. Сийдик найи стенти мавжуд беморлар гуруҳида номмақбул ҳодисалар»нинг юқори частотаси аниқланди (17,3%).

Лапароскопик операциялардан кейинги даврда бир қанча турдаги асоратлар юзага келди: операциядан кейинги яраинг йиринглаши, ичак дисфункцияси, енгил плексопатия ва бошқалар. Биз прогностик мезон сифатида айрим хавф омилларини баҳоладик.

Лапароскопик ЖСНС пластикаси ўтказган 591 бемордан 9 тасида жаррохлик жарохатининг йиринглаши кузатилди. Биз қандли диабетни прогностик омил сифатида таҳлил қилдик. 2 тип қандли диабетнинг мавжудлигига қараб операциядан кейинги жарохатнинг йиринглаш нисбий хавфи 14,92 ни ташкил этди, яъни қандли диабет билан оғриган беморларда жарохатнинг йиринглаши ривожланиш хавфи 15 баравар юқори ($p < 0,001$).

Жаррохлик амалиёти давомида ретроперитонеал бўшлиқни ва қорин бўшлиғини дренажлаш учун силикон найчалардан тайёрланган хавфсизлик дренажлари ишлатилган. Ичак дисфункциясини биз 48 та (8,1%) беморда қайд этдик. Қорин бўшлиғида хавфсизлик дренажи ўрнатилган беморларда ичак дисфункциясини ривожланишнинг нисбий хавфи 1,24 баравар юқори ($p < 0,05$). Дренаж миқдорига қараб ичак дисфункциясини ривожланиш хавфини қўшимча баҳоладик. Маълум бўлишича, операция вақтида 2 та дренаж ўрнатилган беморларда ичак дисфункциясини ривожланиш хавфи 2 баравар юқори ($p < 0,05$).

Лапароскопик пиелопластика ўтказган беморларда енгил плексопатия билан касалланиш даражаси 3,7% (22 бемор). Бўйин-бўйинбоғ соҳаси ёстиқчаларидан фойдаланганда, енгил плексопатия ривожланиш хавфи 5,7 баробар камаяди ($p < 0,05$).

Лапароскопик пиелопластикадан сўнг сийдик йўлларида дренажни олиб ташлашнинг мақбул вақтини аниқлаш учун биз «дренажни олиб ташлаш билан боғлиқ номақбул ҳодисалар» частотасини баҳоладик. Ушбу концепция қуйидаги ҳодисаларни ўз ичига олади: дренажни олиб ташлашдан кейин СЙИнинг кучайиши; дренажни олиб ташлангандан кейин зарарланган томондан бел соҳасида кучли оғриқ; кўнгил айниши, қусиш ва дренажни олиб ташлашдан кейин умумий интоксикация белгилари; кучли дизурик симптомлар; хавфсизлик дренажлари орқали сийдик оқиши; уринома шаклланиши; антеград пиелоуретерографияда ЖСНСнинг ўтказувчанлиги йўқлиги; ЖСНС стриктурасининг такрорланиши.

Лапароскопик пиелопластикада сийдик йўлларида дренажлаш усулига қараб барча беморлар 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ – нефростома ва сийдик найи стентидан фойдаланилган 108 бемор; 2-гуруҳ – 188 бемор, уларда фақат сийдик найи стенти ишлатилган; 3-гуруҳ – нефростома ва интубатордан фойдаланилган 295 бемор. Кейинчалик, беморларнинг ҳар бир гуруҳида юқори сийдик йўлларида дренажлаш усули ва дренажни олиб ташлаш вақтига қараб «дренажни олиб ташлаш билан боғлиқ номақбул ҳодисалар» частотаси аниқланди.

Нефростома ва сийдик найи стенти қўлланилган беморлар гуруҳида, шунингдек, нефростома ва интубатор бўлган гуруҳда уретрал катетер амалиётдан кейинги 2 кун олиб ташланди. 1-гуруҳдаги фақат 2 нафар (1,85%) беморда СЙИнинг кучайиши кўринишидаги «номақбул ҳодисалар» кузатилган. Шундай қилиб, нефростома дренажи мавжуд бўлганда, амалиётдан кейинги куннинг эртасига уретрал катетерни олиб ташлаш ва беморни фаоллаштириш керак. Сийдик найи стенти мавжуд беморлар гуруҳида уретрал катетерни 2 кун олганда 6 та (5,6%), 4 кун 4 та (3,7%), 6 кун 2 та (1,85%), 8 кун 1 та (0,9%) «номақбул ҳодисалар» кузатилган. 10 кундан кейин «номақбул ҳодисалар»нинг йўқлиги қайд этилди. Шунинг учун, сийдик найи стенти ўрнатилганда, операциядан 10 кун ўтгандан сўнг уретрал катетерини олиб ташлаш тавсия этилади.

Нефростома ва сийдик найи стенти мавжуд беморлар гуруҳида сийдик найи стентини дастлабки босқичларда олиб ташлашда кўплаб «номақбул ҳодисалар» (6, 5, 5, 4 ва 2 та мос равишда 10, 12, 14, 16 ва 18 кунларда) кузатилиши аниқланди. 20-кун ва ундан кейин бу ҳодисалар кузатилмади.

Фақат сийдик найи стенти ўрнатилган беморлар гуруҳида сийдик найи стентини эрта олиб ташлашда бир қанча «номақбул ҳодисалар» юзага келди (8, 7, 6, 6, 3 ва 2 та мос равишда 14, 16, 18, 20, 22 ва 26-кунларда) ва сийдик найи стенти 30 кун олиб ташлаганда «номақбул ҳодисалар» содир бўлмади, бу давр дренажни олиб ташлаш учун мақбул деб ҳисобланиши мумкин.

Нефростома ва интубатор бўлган беморлар гуруҳида интубатор ва нефростома турли вақтларда олиб ташланди ва «номақбул ҳодисалар»

частотаси баҳоланди. Эрта босқичларда дренажни олиб ташлаш билан боғлиқ «номақбул ҳодисалар» қайд этилган (мос равишда 7, 8, 9, 10, 11, 12 ва 13-кунларда 6, 4, 8, 6, 6, 5 ва 4 та). Операциядан кейинги даврнинг 14-кунида «номақбул ҳодисалар» кузатилмади. Шундай қилиб, бу даврни нефростома ва интубаторни олиб ташлаш учун мақбул деб ҳисоблаш мумкин.

Нефростома ва сийдик найи стентидан фойдаланилганда жаррохлик амалиётидан кейинги 2 кун уретрал катетерни олиб ташлаш керак. 20 кундан кейин сийдик найи стенти олиб ташланади ва антеград пиелоуретерография ўтказилади. Агар сийдик йўлларининг ўтказувчанлиги бўлса ва контрастнинг экстравазацияси бўлмаса, нефростомани олиб ташлаш мумкин, акс ҳолда сийдик найи стентини 30 кунга қайта ўрнатиш керак. Бир ой ўтгач, сийдик найи стенти олиб ташланади ва антеград пиелоуретерография ўтказилади. Агар ўтказувчанлик яна бўлмаса, 3 ойдан сўнг такрорий реконструктив операция амалга оширилади.

Лапароскопик пиелопластикада фақат сийдик найи стенти қўлланса, амалиётдан кейинги 10 кун уретрал катетерни олиб ташлаш тавсия этилади. Бир ой ўтгач, сийдик найи стенти олиб ташланади ва экскретор урография ўтказилади. ЖСНСнинг очиклиги ва сийдик найларининг ўтказувчанлигининг яхшилиги, контраст экстравазациясининг йўқлиги анастомознинг яхши тузалишини кўрсатади. Акс ҳолда, стент яна 30 кунга ретроград тарзда ўрнатилади ёки нефростомик дренажни ўрнатиш орқали бемор такрорий операцияга тайёрланади.

Нефростома ва интубатор ўрнатилганда, операциядан кейинги кун уретрал катетер олиб ташланади. Интубаторни 14-кун олиб ташлаш мумкин. Сўнг антеград уретеропиелография ўтказилади. ЖСНС ва сийдик найининг ўтказувчанлиги бўлса, нефростома олиб ташланади. Агар сийдик йўлларининг ўтказувчанлиги бўлмаса, 30 кунга сийдик найи стенти ўрнатилади. Бир ой ўтгач, стент олиб ташланади ва ЖСНСнинг ўтказувчанлиги баҳоланади. Агар ўзгариш кузатилмаса, такрорий жаррохлик амалиёти амалга оширилади.

ХУЛОСА

1. Лапароскопик операцияларда нефростома ёки сийдик найи стентини ўрнатиш юқори сийдик йўлларини дренажлаш учун клиник жиҳатдан самарали ҳисобланади. Бироқ нефростомия кўшимча аралашувни талаб қилади ёки операция муддатини узайтиради. Сийдик найи стенти камроқ жароҳат ва кучсизроқ амалиётдан кейинги оғриқ билан кечса-да, стент қўлланилганда кўшимча аралашувларни талаб қилувчи амалиётдан кейинги асоратларнинг юқори частотаси кузатилади. Уретрал катетернинг узоқ вақт ўрнатилиши ва кучли дизурик симптомлар туфайли стентли беморларнинг ҳаёт сифати ёмонроқдир.

2. Лапароскопик пиелолитотомияда нефростомик дренажни ўрнатиш учун ишлаб чиқилган техника, кўшимча мутахассислар ва ускуналарни жалб қилмасдан, операция вақтида юқори сийдик йўлларида дренаж ўрнатиш имконини беради. Дренажни ўрнатишнинг бу усули самарали ва хавфсиз

усулдир. Қиёсий жиҳатдан, операциялар натижалари аввал нефростомик найча ўрнатилган беморлардаги натижалардан фарқ қилмайди. Бироқ, янги техникани қўллашда интраоперацион қон кетиш камроқ ва даволанишнинг айрим давларида ҳаёт сифати яхшироқ.

3. Лапароскопик пиелопластикада юқори сийдик йўллари дrenaжлаш ва сийдик найи интубациясини бирлаштиришнинг янги техникаси ёрдамида юқори сийдик йўллари самарали дrenaжлаш, сийдик найлари интубациясининг автономиясини сақлаб туриш ва барча дrenaжларни беморнинг танасидаги ягона тешик орқали чиқариш мумкин. Ушбу услуб нафақат беморларда фойдаланиш учун хавфсиз, балки операция давомийлигини ва операциядан кейинги асоратларни камайтиради, беморларни эрта босқичларда дrenaждан халос қилади ва ҳаёт сифатини тезда яхшилашга ёрдам беради.

4. Лапароскопик уретероцистонеоанастомозда қовуқ ва сийдик найини дrenaжлашни бирлаштириш учун ишлаб чиқилган техника сийдик найи стенти каби ўхшаш самарадорлик ва хавфсизликка эга. Бундан ташқари, амалиётдан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифати стентга қараганда яхшироқдир. Бироқ, дrenaжни тайёрлаш учун зарур бўлган вақт туфайли жаррохлик амалиёти давомийлиги узаяди.

5. Лапароскопик пиелопластикадан сўнг юқори сийдик йўллари дrenaжлаш усулини танлашнинг янги алгоритмидан фойдаланиб, клиник ҳолат ва жаррохлик аралашувининг характери асосида энг мақбул дrenaжни аниқлаш мумкин. Антевазал ва трансмезентерик пиелопластика учун, шунингдек, тақасимон ва дистопик буйракнинг пиелопластикасида сийдик найи стентини қўллаш, бошқа ҳолатларда нефростомани ўрнатиш яхшидир.

6. Лапароскопик пиелопластикада нефростома ва сийдик найи стенти ўрнатилганда юқори сийдик йўллари дrenaжлаш ва сийдик найи интубациясининг оптимал давомийлиги 20 кунни ташкил этади. Фақатгина сийдик найи стент билан дrenaжлашнинг давомийлиги 30 кун. Интубатор ва нефростома ўрнатилганда, амалиётдан 14 кун ўтгач, интубатор ва нефростомани олиб ташлаш мумкин. Бунда ҳар доим ЖСНС ва сийдик найларининг ўтказувчанлигини аниқлаш керак.

7. 2 тип қандли диабет амалиётдан кейинги даврда жаррохлик жароҳатининг йиринглаши учун прогностик омил ҳисобланади. Қандли диабет билан оғриган беморларда жароҳатнинг йиринглаши ривожланиш хавфи 15 баравар юқори ($p < 0,05$). Қорин бўшлиғига дrenaж ўрнатилган беморларда ичак дисфункциясини ривожланиш хавфи 1,24 баравар юқори ($p < 0,05$), шунингдек, операция вақтида иккита дrenaж ўрнатилган беморларда 2 баравар юқори ($p < 0,05$). Беморни жаррохлик столида жойлаштириш вақтида махсус ёстиқчалардан фойдаланиш енгил плексопатия ривожланиш хавфини 5,7 баробар камайтиради ($p < 0,05$).

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА
В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

БАХАДИРХАНОВ МУХАМЕДЗАРИФ МУХАМЕД КАБИРОВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ДРЕНИРОВАНИЯ ПОЧКИ И
МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ ПРИ ЛАПАРОСКОПИЧЕСКОЙ
ПИЕЛОЛИТОТОМИИ, ПИЕЛОПЛАСТИКЕ И
УРЕТЕРОЦИСТОНЕОАНАСТОМОЗЕ**

14.00.31 – Урология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.4.DSc/Tib772.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Мухтаров Шухрат Турсунович доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Меринов Дмитрий Станиславович доктор медицинских наук, доцент Гайбуллаев Асилбек Асадович доктор медицинских наук, профессор Юлдашев Файзулло Юлдашевич доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Институт урологии и репродуктивного здоровья человека Федерального государственного автономного образовательного учреждения высшего образования «Первый Московский государственный медицинский университет имени И.М. Сеченова» Министерства здравоохранения Российской Федерации

Защита состоится «__» _____ 2024 г. в ____ часов на заседании разового Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №181). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2024 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Р.А. Ибадов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Медицина стремится в направлении уменьшения инвазивности и травматичности различных вмешательств. На сегодняшний день в урологии свою особую нишу заняли лапароскопические операции вытеснив открытые вмешательства. Эти операции обладают малой травматичностью и коротким периодом выздоровления.¹ Несколько десятилетий подряд при лечении стриктур лоханочно-мочеточникового сегмента (ЛМС) использовали реконструктивную операцию Anderson-Hynes, однако после представления в 1993 году Schuessler и соавт. результатов своих исследований по лапароскопическому подходу к пиелопластике наступила эра малоинвазивной хирургии в урологии. Данный метод был принят во всем мире как минимально инвазивная альтернатива открытой пиелопластики и эндопиелотомии и стал «золотым стандартом» коррекции стриктур ЛМС.² В последние несколько лет инновации основывались на совершенствовании уже существующих методов и технологий. С этой целью были внедрены однопортовая хирургия, трехмерная визуализация для лапароскопии, роботизированная технология. С внедрением лапароскопической пиелопластики установка двойного J-стента через лоханочно-мочеточниковое соединение стала обязательным этапом операции, поскольку это облегчает наложение лапароскопического анастомоза и сохраняет калибр мочеточника и выравнивание анастомоза. Более того, считается, что стент снижает риск образования уриномы, тем самым уменьшая периуретеральный фиброз и рестеноз и уменьшая влияние послеоперационного отека в месте анастомоза. Однако мочеточниковый стент имеет несколько недостатков. Из-за малого калибра легко окклюзируется, мигрирует и вызывает сильные дизурические явления. Поэтому до сих пор не решен вопрос об оптимальном способе дренирования чашечно-лоханочной системы почки при лапароскопических операциях, что позволяет считать работу, посвященную методам дренирования мочевых путей при лапароскопических операциях своевременной и актуальной.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными продолжают оставаться исследования, направленные на изучение индивидуального, ориентированного на пациента подхода к медицинской практике, мультицентровые рандомизированные исследования по сравнению лапароскопических и роботизированных вмешательств в урологии, и успехи в обучении малоинвазивной хирургии среди урологов способствуют более широкому использованию лапароскопического подхода в сложных операциях, в том числе при уретерогидронефрозе.

¹ Wong YS, Pang KKY, Tam YH. Comparing Robot-Assisted Laparoscopic Pyeloplasty vs. Laparoscopic Pyeloplasty in Infants Aged 12 Months or Less. *Front Pediatr.* 2021;9:647139.

² Мухтаров Ш.Т. АФА, Аюбов Б.А., Нуриддинов Х.З., Бахадирханов М.М., Назаров Д.А., Наджмитдинов Я.С., Фозилов А.А. Лапароскопическая пиелопластика – новый «золотой стандарт» для лечения стриктур лоханочно-мочеточникового сегмента у взрослых. *Хирургия Узбекистана.* 2021;90(2):28-34.

Современные аспекты развития отечественного здравоохранения включают множество мер, направленных на улучшение результатов лечения больных с суправезикальной обструкцией и уретерогидронефрозом за счет внедрения современных принципов и расширения возможностей миниинвазивных вмешательств. В стратегию развития Независимого Узбекистана на 2022-2026 годы по семи приоритетным направлениям включены задачи по повышению качества оказания населению квалифицированных медицинских услуг³. Реализация данных задач, в том числе, путем оптимизации лечебно-диагностической тактики, а также внедрение и разработка способов эндоскопической хирургии при суправезикальной обструкции, является одним из остро актуальных направлений урологии и медицины в целом, за счет высокой медико-социальной значимости данной патологии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», №УП-6221 от 5 мая 2021 года «О последовательном продолжении осуществляемых в системе здравоохранения реформ и создании необходимых условий для повышения потенциала медицинских работников», №УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», также в Постановлениях Президента Узбекистан №ПП-5199 от 28 июля 2021 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оказания специализированной медицинской помощи в сфере здравоохранения» и в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. Научно-исследовательские работы, направленные на улучшение качества

³Указ Президента РУз от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». Сборник законодательных актов.

⁴Ghidini F, Bortot G, et al. Comparison of Cosmetic Results in Children >10 Years Old Undergoing Open, Laparoscopic or Robotic-Assisted Pyeloplasty: A Multicentric Study. J Urol. 2022;207(5):1118-26; Mendrek M, Vögeli TA, Bach C. Recent advances in urologic surgical techniques for pyeloplasty. 2019 Mar 15;8:F1000 Faculty Rev-295. doi: 10.12688/f1000research.15866.1; Abbas T, et al. Functional recoverability post-pyeloplasty in children with ureteropelvic junction obstruction and poorly functioning kidneys: Systematic review. J Pediatr Urol. 2022 Oct;18(5):616-628; Szavay P. Laparoscopic Pyeloplasty for Ureteropelvic Junction Obstruction. J Laparoendosc Adv Surg Tech A. 2021 Oct;31(10):1214-1218; Merder E, Arıman A. Functional, morphological and operative outcome after pyeloplasty in adult patients: Laparoscopic versus open. Urologia. 2021 Aug;88(3):227-231; Yhoshu E, Menon P, Rao KLN. Outcome Analysis of Reduction and Nonreduction Dismembered Pyeloplasty in Ureteropelvic Junction Obstruction: A Randomized, Prospective, Comparative Study. J Indian Assoc Pediatr Surg. 2022 Jan-Feb;27(1):25-31. doi: 10.4103/jiaps.JIAPS_229_20; An L, et al. Concomitant Treatment of Ureteropelvic Junction Obstruction Complicated by Renal Calculi with Laparoscopic Pyeloplasty and Pyelolithotomy via 19.5F Rigid Nephroscope: A Report of 12 Cases. J Invest Surg. 2022 Jan;35(1):77-82. doi:

оказываемой пациентам с суправезикальной обструкцией проводятся в ведущих мировых исследовательских центрах и высших учебных заведениях, таких как: the Association for Academic Surgery (AAS) and Society of University Surgeons (SUS), Department of Urology, University Hospital Aachen, Aachen, (Germany); Department of Paediatric Surgery, Leeds Teaching Hospitals NHS Trust, Leeds, (United Kingdom); Urology Division, Surgery Department, Sidra Medicine, Doha, (Qatar); Department of Pediatric Surgery, Lucerne Children's Hospital, Lucerne, (Switzerland); Oregon Health and Science University, Portland, OR, (USA); Urology, University of Health Sciences, Prof. Dr. Cemil Taşcıoğlu City Hospital, Istanbul, (Turkey); Department of Urology, NYU Langone Health, 550 First Ave, New York, NY, (USA); Hua zhong University of Science and Technology, Wuhan, PR (China); Department of Nuclear Medicine, Postgraduate Institute of Medical Education and Research, Chandigarh, (India); Department of Urology, University of Illinois at Chicago, Chicago, IL, (USA); Department of Pediatric Urology and Pediatric Surgery, Apollo Centre of Advanced Pediatrics, Indraprastha Apollo Hospitals, Sarita Vihar, New Delhi, (India); Department of Urology, Amiens University Hospital, Amiens, (France); Department of Urology, Beijing Hospital; Отделение урологии МГМСУ (Москва, Россия); НИИ Урологии Минздрава России, ГУ Института Урологии НАМН Украины (Киев, Украина), ГУ «Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр урологии» (Ташкент, Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире, по повышению эффективности хирургической службы в урологии, снижению частоты осложнений в послеоперационном периоде лапароскопических операций при дренировании мочевых путей: доказано, что наиболее распространенной причиной врожденного гидронефроза является обструкция лоханочно-мочеточникового перехода, его распространенность колеблется от 1:1500 до 1:500 случаев у новорожденных и поражает преимущественно мальчиков (соотношение мужчин и женщин 2:1), в 60% случаев это происходит с левой стороны, но в 10-40% случаев могут поражаться обе стороны (Department of Urology, University Hospital Aachen, Aachen, Germany); определено, что частота стентирования при инфекции мочевыводящих путей (ИМВП) после пиелопластики в целом низкая, рутинное назначение профилактических антибиотиков после пиелопластики, по-видимому, не приносит пользы, и его лучше всего использовать у лиц с множественными факторами риска ИМВП (University of Tennessee Health Science Center/Le Bonheur Children's Hospital, Memphis, TN, USA); установлено, что резекционная пиелопластика Андерсона-Хайнса считается стандартным хирургическим лечением обструкции лоханочно-мочеточникового соединения, после пиелопластики вопрос о дренировании стента остается спорным, обычно используемые

10.1080/08941939.2020.1824248; Hasan O, Reed A, Shahait M, Crivellaro S, Dobbs RW. Robotic Surgery for Stone Disease. *Curr Urol Rep.* 2023 Mar;24(3):127-133. doi: 10.1007/s11934-022-01131-8; Schulster ML, Sidhom DA, Bjurlin MA. Outcomes and peri-operative complications of robotic pyelolithotomy. *J Robot Surg.* 2020 Jun;14(3):401-407. doi: 10.1007/s11701-019-01004-2; Lombardo A, Toni T. Comparative Outcomes of Double-J and Cutaneous Pyeloureteral Stents in Pediatric Robot-Assisted Laparoscopic Pyeloplasty. *J Endourol.* 2021 Nov;35(11):1616-1622.

стенты представляют собой либо внутренние двойные J (DJ), либо внешние пиеломочеточниковые (PU) стенты (Urology and Nephrology Center, Faculty of Medicine, Mansoura University, Mansoura, Egypt; Urology Department, King Fahad Specialist Hospital, Dammam, Saudi Arabia); доказано, что гидротензия в почечной лоханке снимается после пиелопластики и хирургической реконструкции, которая сохраняется за счет установки трансанастомотического двойного J-стента (JJ) для свободного оттока мочи на срок 8 недель, при обструкции почек функция улучшается в течение 6-8 недель после свободного дренирования при условии, что почечная паренхима сохраняет потенциал обратимости, если диуретическая ренограмма на 8-й неделе не выявила улучшения, несмотря на свободное дренирование с помощью JJ после пиелопластики, почечная паренхима, скорее всего, будет необратимо повреждена (Visiting Pediatric Surgeons, Department of Pediatric Surgery, Park Clinic, Kolkata, West Bengal, India); доказано, что у значительной части плохо функционирующих почек (ПФК) наблюдалось увеличение предоперационной дифференциальной функции почек (DRF) после пиелопластики, однако никаких последовательных прогностических факторов функционального восстановления, кроме DRF, еще не определено, поэтому до появления дополнительных доказательств пиелопластику следует считать обоснованным вариантом в арсенале управления обструкции лоханочно-мочеточникового соединения (Department of Pediatric Urology, Ankara University School of Medicine, Ankara, Turkey).

